

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ

Олий таълимда технология таълими
фанларини ўқитиш методикаси

МОДУЛИ БҮЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“ТЕХНОЛОГИЯ ТАЪЛИМИ” йўналиши

**“ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТЕХНОЛОГИЯ
ТАЪЛИМИ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ
МЕТОДИКАСИ”**

модули бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент - 2019

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2019 йил 18 октябрдаги 5 – сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: Низомий номли ТДПУ, п.ф.н., доц.
О.Қўйсинов, катта ўқитувчилар
А.Б.Тўраев, М.П. Имомов

Такризчи: Сеул педагогика университети (Жанубий Корея),
профессор. Lee Yu Mi

**Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2019 йил 30 августдаги
1/3.5- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	5
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.	13
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	22
IV. АМАЛИЙ МАШғУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	73
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	88
VI. ГЛОССАРИЙ	93
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	111

I. ИШЧИ ДАСТУР **Кириш**

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносаб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иктисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини бераётган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижаот ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнданги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлиги дар. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга

кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасаларида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида Олий таълимда технология таълими фанларини ўқитиш методикаси.. ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилият моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида “Олий таълимда технология таълими фанларини ўқитиш методикаси” ўқув модулининг ўқитилаётганлиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиягини изчил ривожлантириб бориш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вақтда “Олий таълимда технология таълими фанларини ўқитиш методикаси” модули олий таълим пеагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишиларига ёрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар Олий таълимда технология таълими фанларини ўқитиш методикаси фанининг тараққиёт тенденциялари ва инновацияларининг моҳияти, назарий асослари, самарали шакл, метод ва воситалари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли қўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларидан хабардор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Олий таълимда технология таълими фанларини ўқитиши методикаси” модулининг мақсади: замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини оширишни таъминлашдан иборат.

“Олий таълимда технология таълими фанларини ўқитиши методикаси” модулининг вазифалари:

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан фаннинг назарий муаммоларини таҳлили қилишларида хорижий илмий мактаблар қарашлари билан таққослаш жараёнини самарали ўзлаштирилишини таъминлаш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Олий таълимда технология таълими фанларини ўқитиши методикаси” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

Тингловчи:

- технология таълимиининг назарий ва амалий соҳаларда эришган ютуқлари, замонавий йўналишлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболларини;
- технология таълимиига оид илмий тадқиқотларда қўлланиладиган илмий ёндашувларни;
- олий таълим муассасаларида технология таълимиини ўқитишнинг инновацион ва автоматлаштирилган муҳитини;
- олий таълимда технология таълимиини ўқитишнинг замонавий технологияларини **билиши** керак;

Тингловчи:

- технология таълимиига оид назарий тадқиқотлар таҳлилини амалга оширишни;
- олий таълим муассасаларида технология таълимиини ўқитишнинг меъёрий хужжатларини лойиҳалаштириш;
- олий таълим муассасаларида технология таълимиини ўқитишида таълими мазмуни узвийлиги ва узлуксизлигини тизимли таҳлил қилиш ва уни таъминлаш;

- назарий билимлар ва амалий кўникмаларни педагогик фаолиятда қўллай олиш;
- технология таълимиини ўқитишига оид таълим методларидан фойдалана олиш;
 - технология таълимиини ўқитиши муаммоларини тадқиқ қила билиш;
 - олий таълим муассасаларида технология таълимиини ўқитиши бўйича инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
 - олий таълим муассасаларида технология таълимии ўқитувчиларини тайёрлашда ўқув фанларини ўқитиши жараёнларини оптималлаштириш бўйича **кўникма ва малакаларга эга бўлиши** зарур.

Тингловчи:

- технология таълимиини ташкил этишига оид назарий билимларни амалиётда қўлланилишини таҳлил қилиш ҳамда касбий фаолиятда фойдаланиш;
- технология таълимиини ташкил этиши тамоиллари ва назарий тушунчалардан амалиётда фойдаланиш;
- олий таълим муассасалари технология таълимии ўқитувчиларини тайёрлашда мутахассислик фанлари мазмуни, уни ўқитиши метод ва воситаларини такомиллаштириш;
- педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион ўқув машғулотларини ташкил этиши ва олиб бориш;
- талабаларнинг технология таълимиига оид илмий-ижодий ишларини ташкил этиши;
- талабаларнинг технология таълимиига оид билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолаш мониторингини олиб бориш каби **компетенцияларни** эгаллаши лозим.

Модулни ташкил этиши ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Олий таълимда технология таълими фанларини ўқитиши методикаси” ўқув модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар

билин ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Олий таълимда технология таълими фанларини ўқитиши методикаси”, “Педагогик квалиметрия” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг соҳага оид компетентлик даражасини ривожлантиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълим самарадорлигини оширишдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, технология таълимини ўқитиши методикаси бўйича назарий масалалари ва муаммолари, мутахассислик фанларини ўқитишида инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурый билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машгулот			
1.	Технология таълимини ўқитиши методикаси фани ва унинг вазифалари	4	4	2	2			
2.	Технология таълимига оид маҳсус фанлар бўйича машгулотларни ташкил этишида инновацион технологиялардан фойдаланиш	4	4	2	2			

3.	Олий таълим муассасаларида технология таълими фанларини ўқитиши инновацион технологиялар асосида лойихалаштириш	4	4	2	2	
4.	Технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал объектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ). Таълим жараёнига метод, восита ва шаклларни жорий этиш	2	2		2	
5	Технология таълимини ташхис қилиш, коррекциялаш ва башоратлаш методикаси.	2	2		2	
Жами:		16	16	6	10	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1- мавзу: Технология таълимини ўқитиши методикаси фани ва унинг вазифалари

“Технология таълимини ўқитиши методикаси” фанининг мақсад ва вазифалари. “Технология таълимини ўқитиши методикаси” ўкув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар йифиндиси. “Технология таълимини ўқитиши методикаси” ўкув фанини ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишининг ўзига хос жиҳатлари. Буюк мутафаккирларнинг технология таълими, касб танлашга йўллаш ва тарбиясига оид фикрлари.

2-мавзу: Технология таълимига оид маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш

Технология таълими , касб танлашга йўллашни ўқитиши шакллари. Технология таълими , касб танлашга йўллаш дарсларининг типлари. “Таълим методлари” тушунчасининг тавсифи ва турлари. Таълим методларини танлаш йўллари. Дарсларда касб танлашга йўллаш ишларининг шакл ва методлари.

3-Мавзу: Олий таълим муассасаларида технология таълими фанларини ўқитишни инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш

Режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари. Технология таълими, касб танлашга йўллаш жараёнини режалаштирувчи хужжатлар. Тақвимий мавзули режани тузиш. Ўқув устахоналарида бажариладиган ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш. Фанларнинг ўзаро боғланиш режаси. Дарс режаси ва унинг баён қилиниши. Технология таълими, касб танлашга йўллаш ўқитувчининг дарсга ва ўқув йилига тайёргарлиги. Асбоб-ускуналарни ишга созлаш, хомашё, намуна, кўргазмали қуроллар ва техник воситаларни тайёрлаш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Технология таълимини ўқитиш методикаси фани ва унинг вазифалари.

Технология таълимии фанларини ўқитишида замонавий ёндашувлар модулли ўқитиш технологияси. Модуль тамойиллари, турлари, таркибий қисмлари. Технология таълимиининг модернизациялашган мазмунини таҳдил қилиш.

2-амалий машғулот: Технология таълимига оид маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситаларидан фойдаланиш.

Интерфаол таълим методлари, ўқув лойиҳаси, кейс-стади таълим технологияларини қўллаш методикаси. Ўқув фанларини интеграциялаш турлари, йўналишлари, типлари, функциялари. Технология таълимиига оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишида таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш методикаси. График органайзерлар ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш методикаси.

3-амалий машғулот: Олий таълим муассасаларида технология таълими фанларини ўқитишни инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш.

Технология таълимига оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишида таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш методикасига оид маълумотларни тизимлаштириш ва мавжуд кўникмаларни ривожлантириш.

Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантириш.

4-амалий машғулот: Технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал объектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ).

Таълим жараёнига метод, восита ва шаклларни жорий этиш.

Интернет тармоғидан ахборотларни излаш, таҳлил қилиш асосида уларда креатив қобилиятни шакллантиришга оид кўнималарини ривожлантириш. Технология таълими ўқитувчиларни тайёрлашда янгиланган ДТС асосида мутахассислар тайёрлаш.

5-амалий машғулот: Технология таълимини ташхис қилиш, коррекциялаш ва башоратлаш методикаси.

Технология таълимини ташхис қилиш, коррекциялаш ва башоратлаш методикасига оид кўнималарини ривожлантириш. Меъёrlаш хусусида меҳнат топширигини бажаришни вақт бўйича чегаралаш ўқувчилар меҳнат операцияларини бажариш усулларини эгаллаб олганларидан кейин амалга оширилиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишини ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сұхбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хуносалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ҮҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ. “SWOT-таҳлил” методи.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Намуна: Ҳамкорлик педагогикасининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Ҳамкорлик педагогикасидан фойдаланишнинг кучли томонлари	
W	Ҳамкорлик педагогикасидан фойдаланишнинг кучсиз томонлари	
O	Ҳамкорлик педагогикасидан фойдаланишнинг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташқи)	

Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеристидаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий

фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустакил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гурухлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гурухларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни тарқатади;



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қиласди;



навбатдаги босқичда барча гурухлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлр билан тўлдирилади ва мавзу якунланади.

Намуна:

Фанлар интеграцияси жараёнида пайдо бўлган педагогиканинг замонавий тармоқлари

Педагогик рисколология		Театр педагогикаси		Виртуал педагогика	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги

Хулоса:

“Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («case» – аниқ вазият, ҳодиса, «stadi» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида

кўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуидагиларни қамраб олади: Ким (Who), Қачон (When), Қаерда (Where), Нима учун (Why), Қандай/ Қанақа (How), Нима-натижа (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	якка тартибдаги аудио-визуал иш; кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ахборотни умумлаштириш; ахборот таҳлили; муаммоларни аниқлаш
2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; асосий муаммоли вазиятни белгилаш
3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш	индивидуал ва гурӯҳда ишлаш; муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш; ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; муқобил ечимларни танлаш
4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.	якка ва гурӯҳда ишлаш; муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейсдаги муаммони келтириб чиқарган асосий сабабларни белгиланг(индивидуал ва кичик гурӯҳда).
- Мобил иловани ишга тушириш учун бажариладагина ишлар кетма-кетлигини белгиланг (жуфтликлардаги иш).

«ФСМУ» методи

Технологиянинг мақсади: Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий холосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, холосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний холоса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

Намуна!

Фикр:“Бакалавриат йўналиши ўқув режаси рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделидир”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

“Ассесмент” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиликнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш қўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиликнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий

кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

1 Ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш нима дейилади?

- А. креативлик
- В. кўникма
- С. рефлексия



Қиёсий таҳлил

- Педагогиканинг замонавий тенденциялардан фойдаланиш кўрсатгичларини таҳлил қилинг?



Тушунча таҳлили

- INSERT қисқармасини изоҳланг...



Амалий кўникма

- Маммлакат иқтимодиётини ва таълим сифатини оширишга хизмат қилувчи ўқув режа намунасини ишлаб чиқинг?

“Инсерт” методи

Методнинг мақсади: Мазкур метод ўқувчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод ўқувчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмунни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб,

ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн	3-матн
“V” – таниш маълумот.			
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.			
“+” бу маълумот мен учун янгилик.			
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?			

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилик учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташҳис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гурӯхли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини такқослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Модератор		
Фасилитатор		
Супервайзер		
Тютер		
Фидбек		
Селфстади		
Силабус		

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Венн Диаграммаси методи

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишигандан айланана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва хар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргаласиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишигана ёзадилар.

Намуна: Педагогнинг касбий қўниқмалари гурухлари бўйича



“Блиц-үйин” методи

Методнинг мақсади: ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

Методни амалга ошириш босқичлари:

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштиради ва гуруҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гуруҳдошларини танишириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гуруҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гуруҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри харакатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қўйиш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидағи фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гуруҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гуруҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гуруҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

«Таълим-тарбия жараёнинг» кетма-кетлигини жойлаштиринг.

Ўзингизни текшириб қўринг!

Харакатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Мақсад					

Мазмун					
Шакл					
Метод					
Восита					
Натижа					

“Брифинг” методи

“Брифинг”-(инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган мобил иловаларнинг тақдимотини ўтказишда ҳам фойдаланиш мумкин.

“Портфолио”методи

“Портфолио” - (итал. portfolio-портфел, ингл. хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, талаба ёки тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг куйидаги турлари мавжуд:

Фаолият тури	Иш шакли	
	Индивидуал	Гурӯҳий
Таълимий фаолият	Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ.	Талабалар гурӯҳи, тингловчилар гурӯҳи портфолиоси ва бошқ.
Педагогик фаолият	Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси	Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Технология таълимини ўқитиш методикаси фани ва унинг вазифалари

Режа:

1. “Технология таълимини ўқитиш методикаси” фанининг мақсад ва вазифалари
2. “Технология таълимини ўқитиш методикаси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси.
3. “Технология таълимини ўқитиш методикаси” ўқув фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари.
4. Буюк мутафаккирларнинг технология таълими, касб танлашга йўллаш ва тарбиясига оид фикрлари.

Таянч иборалар: Технология таълими, касб танлашга йўллаш, билим, кўникма, малака, меҳнат қуроллари, техник восита, дидактик материал, электрон ва тарқатма материаллар.

1.“Технология таълимини ўқитиш методикаси” фанининг мақсад ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуслари билан 2017 йилнинг 7 февраль куни “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонлиФармони қабул қилинди. Ушбу фармон асосида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси белгилаб берилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи устувор йўналиши ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унда “...таълим, маданият, илм- фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” масалаларига катта эътибор қаратилган.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида юртимизда йилларга бериладиган номлардан келиб чиқиб, ҳар бир йил бўйича давлат дастурлари қабул қилинишини назарда тутган ҳолда амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жумладан, 2017 йил Ўзбекистон Республикасида “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди.

Дастурнинг 4.4-бўлими “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш” деб номланган бўлиб, унда узлуксиз таълим тизимини янада

такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш; таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш каби масалалар белгиланган.

Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартағи “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 140-сонли, 2017 йил 6 апрелда “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарорлари қабул қилинганлиги таълим тизимини янада такомиллаштириш ҳамда узвийлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши таълим тизимини тубдан модернизация қилинаётганлигидан далолат беради, деб ўйлаймиз.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда “Меҳнат таълими” фани номини “Технология” фани номи билан ўзgartирилишининг асосий омиллари сифатида қўйидагиларни келтирмоқчимиз:

1. Жамиятда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар асосида умумий ўрта таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган талабларни кескин ортиб бориши.

2. Давлат таълим стандартлари талабларининг таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминланганлиги.

3. Таълим соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилиб борилаётганлиги.

4. Таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида ўқувчиларни тарбиялашнинг самарали шакл, усул ва воситаларини кенг жорий этилиши.

5. Ўқув-тарбия жараёни самарадорилигини ва натижавийлигини таъминлашда педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш масаласига катта эътибор берилаётганлиги.

6. Кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграцияси узвийлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётганлиги.

7. Эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожланиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини кенг жорий қилишда ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишилари устуворлиги.

8. Сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириб борилаётганлиги.

9. Меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатининг устиворлиги.

10. Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг ҳалқаро стандартларини жорий этилаётганлиги.

Фаннинг мақсади-Ўқувчиларни меҳнат ва касб оламига олиб киришнинг ҳар хил йўллари орасида “Технология таълими” фани муҳим ўрин тутади. Унинг методикасини такомиллаштириш орқали фан учун моддий жиҳозни мустаҳкамлаш, мактабни ўз атрофидаги саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаси билан алоқасини мустаҳкамлаш, ижтимоий фойдали, унумли меҳнатни ташкил этиш, унинг тарбиявий иқтисодий самарадорлигини ошириш, уни таълим билан қўшиб олиб бориш, ўқувчиларни меҳнатга тайёрлашни яхшилаш бўйича ишлар йўлга қўйилади.

Технология таълими дарслари мактабдаги бошқа фанлар учун умумий дидактик тамойилларни қўллашда, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуд. Ўқувчилар билиш фаолияти билангина эмас, балки яратиш фаолияти билан ҳам шуғулланадилар. Меҳнат фанлари, қуроллари, жараёнлари оддий ўрганиш обекти сифатида эмас, балки ўқувчилар амалий ишларини фаоллаштирувчи кўрсатмалилик воситаси, дидактик материал, таълимнинг техник воситаси сифатида хизмат қиласди.

Фанни ўқитишдан мақсад - ўқувчиларни ҳар томонлама баркамол ривожланган, ҳозирги замон руҳида тарбияланган, бозор иқтисодиёти даврида таълим-тарбия ишини ташкил этиш ва уни амалга оширишга оид долзарб муаммоларни ижобий ҳал эта оладиган, миллий истиқлол Ғояси, миллий ва умуминсоний қадриятларимизни чукур ҳис этиб, уларни таълим-тарбия мазмунига сингдира оладиган шахс - технология таълими, касб танлашга йўллаш ўқитувчиси сифатида шакллантиришdir. Мазкур курснинг мақсади ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим мактабларнинг 5-9 синфлари учун технология таълими ўқитувчиси бўлиб шаклланишларида тегишли методик тайёргарлик кўришларини таоминлашда хизмат қиласди.

Фаннинг вазифасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқувчиларда педагогик-психологик билимларни умуммеҳнат, касб танлашга йўллаш ва умумкасбий кўникма ва малакаларни шакллантириш жараёнига тадбиқ этиш;
- педагогик-психологик билимларни бевосита танланган соҳаларига тадбиқ эта олиш ва янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида методик муаммоларни ҳал этиш;
- мактабларда технология таълими ва касб танлашга йўллаш дарсларини ўқитиши ташкил этиш ҳамда уни амалга ошириш методикасини ўргатишдан иборат.

2. “Технология таълимини ўқитиши методикаси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида талаба эгаллаши керак бўлган билим, кўникма ва малакалар йигиндиси.

“Технология таълимини ўқитиши методикаси” ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- технология таълими, касб танлашга йўллаш йўналишлари бўйича таълим мазмунининг узвийлиги ва ўзаро боғлиқлиги; ўқув моддий базасини ташкил этилиши (ўқув материаллари ва мосламалар билан таоминланиши); давлат таълим стандартларининг ишлаб чиқилиш мезонлари ва унга қўйиладиган талабларни, касб типлари, касбга яроқлилик, касб танлашга таосир этувчи омилларни **билиши керак**;
- ўқувчиларнинг меҳнат тайёргарлиги бўйича ўқув режаси ва дастурлар мазмунини; ўқув жараёнини ташкил этиш ва технология таълими, касб танлашга йўллашга оид режалаштирувчи хужжатларни ишлаб чиқиш, технология таълими, касб танлашга йўллаш ва касб танлашга йўллаш дарсларини олиб бориш **кўникмаларига эга бўлиши керак**;
- таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида алоқалар ўрнатиши билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллай олиши; машғулотларни ўтказиш; ўқув жараёнини режалаштириш; тарбиявий тадбирларни ўтказиш; бандлик хизмати билан ишлаш; ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини аниқлаш бўйича турли тестлардан фойдаланиш; ота-оналар ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш **малакаларига эга бўлиши керак**.

Технология таълимини ўқитиши методикаси умумкасбий фан ҳисобланиб, 6 ва 7 семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш ўқув режасида режалаштирилган математик ва табиий (физика, математика, ахборот технологияси, чизмачилик, радиоелектроника ва х.к.), умумкасбий (педагогика, педагогик маҳорат, психология, меҳнат ва муҳандислик психологияси ва х.к.) ва ихтисослик (материаллар технологияси,

машинасозлик фанлари, ўкув устахоналарида амалий ишлар, касб таълими практикуми фанлари, техника хавфсизлиги ва х.к.) фанларидан етарли билим ва кўникмаларга эга бўлишлик талааб этилади.

Ўқувчилар фанни ўзлаштириш жараёнида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча соҳалар, уларда қўлланиладиган технологик жараёнлар ҳамда ишлаб чиқариш муносабатлари тўғрисида тўлиқ тассавурга эга бўладилар. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни технология таълими, касб танлашга йўллаш таркибида касбга йўналтириш уларнинг замонавий ва миллий касб-хунарларни ўзаро уйғунлигини таоминлаган ҳолда билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларини таоминлайди. Мазкур дастур бўлажак технология таълими, касб танлашга йўллашни ўқитиш методикаси асосида касбга йўналтириш ишларини халқ хўжалиги тармоқлари истиқболини ҳамда касб-хунар коллежлари соҳалаштирилганлигини ҳисобга олган ҳолда бажаришига хизмат қиласди.

3. “Технология таълимини ўқитиш методикаси” ўқув фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари. Ўқувчиларни технология таълимини ўқитиш методикаси фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илфор ва замонавий усусларидан фойдаланиш, янги информацион-педагогик технологияларни тадбик қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, маоруза матнлари, тарқатма материаллар, электрон материаллар, виртуал стендлар ҳамда ишчи ҳолатдаги машиналарнинг ишлаб чиқаришдаги намуналари ва макетларидан фойдаланилади.

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан:

- ўқув фанига тегишли маоруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида тақдимот ва электрон-дидактик технологиялардан, блиц-сўров, инсерт техникаси, фронтал ишчи гуруҳларда ишлаш, «Бумеранг», мусобақа, «Аралаш мантиқий занжирлар», муаммоли дарс, «бхбх» каби педагогик технологияларидан;

- фан бўйича ўтказиладиган амалий машғулотларида оғзаки баён қилиш, фикрлар хужуми, сухбат-мунозара, чархпалак, Б-Б-Б, ролли ўйинлар, муаммоли дарс, кичик гуруҳларда ва жамоада ишлаш педагогик технологияларидан фойдаланиш назарда тутилган.

“Технология таълимини ўқитиш методикаси” курсини ўрганиш, умумий ўрта таълим мактабидаги технология таълимининг (мехнат тарбияси, касбга

йўллаш ва хоказоларнинг) мақсад ва вазифаларини, шу фан бўйича ўқув жараёнини ташкилий тамойилларини ва унинг мазмунини англаб олиши, мактаб устахоналарида таълим-тарбия жараёнини муваффақиятли олиб борища ёрдам берадиган методик воситалар тизими сифатида ўрганилиши лозим.

Педагогика фанининг тармоғи сифатида “Технология таълимини ўқитиш методикаси” курси олдига қуйидаги асосий тадқиқот вазифалари қўйилади, яни технология таълими вазифаларини асослаш, уларнинг тарбиявий ва таълимий аҳамиятини очиб бериш.

Технология таълими ўқувчилар шахсини ҳар томонлама камол топишига, меҳнатнинг турмуш билан алоқасини мустаҳкамлашга, ўқувчиларда онгли дунёқарашни шаклланишига, уларни ҳалк хўжалигида меҳнат қилишга ва асосий равища касб танлашга тайёрлашда ёрдам беради.

“Технология таълимини ўқитиш методикаси” фани устахонада ўтказиладиган машғулотлар билан бошқа ўқув фанларини (ижтимоий-сиёсий, табиий ва математик) ўқитишнинг ўзаро дидактик боғликларини очиб беради, шунингдек, бошланғич, ўрта ва юқори синфлардаги технология таълимининг изчиллигини таоминлаш йўлларини қўрсатади.

Технология таълими жараёнида ўқувчиларда меҳнатга муҳаббат, жисмоний меҳнат кишиларига ҳурмат ва шахснинг бошқа ахлоқий сифатлари шаклланишига имкон беради.

4. Буюк мутафаккирларнинг технология таълими, касб танлашга йўллаш ва тарбиясига оид фикрлари. Шарқнинг буюк мутафаккирлари, алломалари деярли барча даврларда ўз асарларида, шеор ва Ғазалларида, адабий меросларида ҳалол меҳнатни, касб-хунар эгаллашнинг муқаддаслигини ва зарурлигини таъкидлаб, улуғлаб ўтганлар. Улуғ бобоклонимиз А.Навоий ўз Ғазалларида ёшларни илм-хунар эгаллашга чақиради:

*Илм касбини қилди то жони бор,
Хунар ўрганди онга ки имкони бор.*

Х асрда яшаб ижод этган улуғ бобоклонимиз Абунаср Ал-Форобий ҳам кишиларни ҳалол меҳнат қилишга ва касб-хунар эгаллашга чақиради. Форобийнинг фикрича: “Инсон - ожиз банда, ҳеч нарсага қодир бўлмаган мавжудот эмас, балки у энг олий камолот бўлиб ўзининг ақл-идрок зиёсига эга, ўзи учун зарур бўлган ҳамма нарсани яратишга қодир борлиқдир”¹. Форобий меҳнат ва касб-хунар қўникмаларини ахлоқий фазилатларни ҳосил

¹ М.Хайруллаев. Фаробий. Т., 85 бет

қилиш лозимлигини таъкидлаб: "Агар касб-хунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда мұяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди. Касб-хунар фазилати туғма бўлмас экан, халқлар ва шаҳар аҳлларида, одоб-ахлоқ, расм-руслар, касб-хунар, одат ва иродани ҳосил қилиши инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан: яони таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади. Таълим деган сўз халқлар шаҳарлар ўртасида назарий фазилат ва амалий касб-хунар фазилатлари бирлаштириш деган сўздир", - деган эди².

Касб-хунар эгаллашни аҳамияти тўғрисида қомусий олим Абу Али Ибн Сино(980-1037)нинг асарларида ҳам кўрамиз. Унинг фикрича болага ёшлигидан бирор касб-хунарни ўргатиш лозим. Бола касб-хунарни маолум даражада ўзлаштириб бўлгандан сўнг ўз касб-хунаридан ҳаётда фойдаланиши, яони ҳалол меҳнат билан мустақил ҳаёт кечиришига ўргатиш керак.

"Ёшларга илм берга бориб, уларга ҳунар ўргатмоқ муҳим маосулиятли ишdir. Ҳунар ўрганиш бирла ёшлар ҳар қандай ножӯя ҳатти-ҳаракатлардан ҳоли бўладилар"³, - деб таъкидлайди Абу Али Ибн Сино. Унинг ҳунарли бўлишга қаратилган насиҳатлари ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эга:

*Олтин олмагину ўргангин ҳунар
Ҳунарни олдида хасдир олтин зар⁴.*

Шарқ, Марказий Осиёлик мутафаккирлар ҳамда ўзбек марифатпарвар шоирлари ҳам касб-хунар эгаллашни аҳамияти тўғрисида ўз асарларида қимматли маслаҳатларини қолдирганлар, бу мерос ҳозирги кунда ҳам ёшларни касб-хунарга йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Инсоният тарихий тараққиётида Шарқу - Ғарбда ҳам ёшларни касб-хунар эгаллашларига алоҳида эотибор билан қаралган. Уларни касб-хунар эгаллашларига оталик, устозлик маслаҳатларини, йўл-йўриқларини мунтазам бериб келганлар. Расман касбга оид маслаҳат идоралари асримиз бошларида пайдо бўла бошлаган.

Мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. "Технология таълимини ўқитиш методикаси" фанининг қандай мақсад ва вазифалари бор?
2. "Технология таълимини ўқитиш методикаси" ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида бакалавр қандай билим, кўникма ва малакаларни эгаллайди?

²Хикматлар гулдастаси. Т., 1982. 53 бет

³Абу Али Ибн Сино Таълим ва тарбия пакида Т. 1967. 9-бет .

⁴Ўша ерда 9 бетда

3. “Технология таълимини ўқитиш методикаси” ўқув фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг қандай замонавий методларидан фойдаланилади?

4. Мазкур ўқув фанини ўқитиш жараёнида қандай педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мумкин?

5. Буюк мутафаккирларнинг технология таълими, касб танлашга йўллаш ва тарбиясига оид қандай фикрларни билдиришган?

Адабиётлар:

1. Muslimov N.A., Sharipov SH.S., Qo‘ysinov O.A. Mehnat ta’limi o‘qitish metodikasi, kasb tanlashga yo’llash. Darslik. –Toshkent: TDPU, 2014. 389 b.

2. Кўйсинов О.А. ва б. “Меҳнат таълими методикаси, касб танлашга йўллаш” фанидан лаборатория машғулотлари. Т.: ТДПУ, 2013. – 168 б.

3. Муслимов Н. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013. – 128 б.

4. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б

2-мавзу: Технология таълимига оид маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда инновацион технологиялардан фойдаланиш

Режа:

1. Технология таълими , касб танлашга йўллашни ўқитиш шакллари
2. Технология таълими , касб танлашга йўллаш дарсларининг типлари.
3. “Таълим методлари” тушунчасининг тавсифи ва турлари.
4. Таълим методларини танлаш йўллари
5. Дарсларда касб танлашга йўллаш ишларининг шакл ва методлари.

Таянч тушунчалар: таълим жараёни, таълим иштирокчилари, таълимининг ташкилий шакллари, ўқувчилар жамоаси, дарс типлари, ўқитииши шакллари: назарий машғулот, амалий ва амалий лаборатория машқлари, ишлаб чиқарии корхонасига экскурсия, фирмалар, хусусий корхоналар базасида машғулот, ўқувчиларнинг меҳнатга оид мустақил ишлари, меҳнатни ташкил этиши шакллари, масофавий таълим.

1. Технология таълими, касб танлашга йўллашни ўқитиш шакллари. Таълим жараёни иштирокчилари, яъни ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мълум белгиланган тартибда амалга ошириладиган ҳамкорликдаги фаолиятининг ташки кўриниши технология таълими нинг ташкилий шаклини англатади.

Умумтаълим мактаб ўқувчиларининг ўқув фаолияти турли ташкилий шаклларда кечади. Технология таълимининг ташкилий шакллари деганда ўқув фаолияти учун ўқувчилар жамоасини ташкил этиш йўллари, бу фаолиятга раҳбарлик қилиш шакллари, шунингдек, ўқув машғулотларининг қурилиш таркиби тушунилади. Бунда назарий ва амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш таълимини ташкил қилишнинг асосий шаклларини очиб бериш, ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат, айрим ҳолларда технология таълими да масофавий ўқитишни ишлаб чиқишни, ишлаб чиқариш таълимининг мақсад ва вазифалари, ташкил қилиш, ўтказиш, раҳбарлик қилиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишни, жамоавий, гурухли, якка тартибдаги шакллардан фойдаланган ҳолда дарс ишланмаларини тайёрлашни талаб этади. Ана шу сабабли технология таълими нинг ташкилий шаклларини ишлаб чиқиш ва бошқариш моделини лойиҳалаш зарур.

Технология таълимининг ташкилий шакллари деганда – ўқув-ишлаб чиқариш фаолияти учун ўқувчилар жамоасини ташкил этиш йўллари, бу фаолиятга раҳбарлик қилиш шакллари, шунингдек, ўқув машғулотларининг қурилиш таркиби тушунилади.

Технология таълимини у ёки бу шаклини танлашда, ўқувчиларни технология таълими бўйича билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш жараёнида уларнинг мутлоқ мақсади ва яқин вазифалари, мазмун ҳамда методлари, шунингдек, моддий шароитини белгилайдиган асосий фактор (кўрсаткич)ларини у ёки бу шаклларига боғлиқ.

Технология таълими, касб танлашга йўллаш машғулотларини ташкил этиш шаклларига қўйидагилар киради:

1. Назарий машғулотлар.
2. Амалий ва амалий лаборатория машқлари.
3. Ишлаб чиқариш корхонасига саёҳат .
4. Фирмалар, хусусий корхоналар базасида машғулот.
5. Ўқувчиларнинг меҳнатга оид мустақил ишлари.
6. Меҳнатни ташкил этиш шакллари.

7 Масофавий таълим.

Назарий машғулотлар. Машғулот давомида мавзу бўйича керакли маълумотлар бериш, мазмунини ёритишида назарий машғулотлардан фойдаланилади. Технология таълими машғулотлари жараёнида назарий машғулотлардан жуда кам фойдаланилади. Машғулот жараёнида назарий машғулотларда ўқитувчи ўқувчиларга дастур асосида мавзуларни кўргазмадан фойдаланиб олиб боради.

Назарий машғулотлар давомида дастур мавзуларининг мазмуни ёритилади, технология таълими нинг мақсад ва вазифаси амалга оширилади.

Назарий машғулотлар деганда - машғулотнинг ҳам жамоа, ҳам индивидуал (якка тартибда) турини ўз ичига олган, технология таълими ўқитувчисининг раҳбарлигига ўқув материалини фаол, тўғри ва онгли ўзлаштирилишини кўзда тутган ўқув-меҳнат фаолиятининг аниқ ташкил қилиниши тушунилади.

Амалий ва амалий-лаборатория машғулотлари. Амалий машғулотлар ўқитувчи томонидан бошқарилиб, ўқувчилар томонидан берилган топшириқларни онгли ўзлаштирилади, меҳнат фаолияти аниқ ташкил этилади. Амалий машғулотларда ўқувчилар олдида қўйидаги мақсадлар қўйилади: ўқувчиларни ўқув материалини ўзлаштирган билим, меҳнат кўникма ва малакалар даражасини текшириш, янги мавзуни тушунтиришда меҳнат усулларини кўрсатиш, янги мавзу бўйича ўқувчиларнинг бажарадиган ишлари ва билим даражасини аниқлаш, ўқувчиларни ўз-ўзини назорат қилишлари, амалий ишларни мустақил бажаришлари ҳамда ўқувчиларни амалий машғулотлар натижаларини яхшилашга қаратиш ва ҳоказо.

Амалий – лаборатория ишлари ўзида машғулотнинг шундай турини ифодалайдики, унда ўқитувчи раҳбарлигига машғулот давомида тадқиқотлар, тажрибалар, кузатишлар олиб борилади. Махсус асбоблар, ускуналар, мосламалар, аппаратлар ёрдамида тажрибалар ўтказилади, ҳамда тўғри илмий хулослар ва умумлашмалар чиқариш имкониятларини ўрганилади. Амалий – лаборатория машғулотлари газламашунослик билимини ўргатишида қўлланилади. Бундай машғулотларда газламанинг хоссалари: ситилувчанлик, киришунчанлик, ишқаланувчанлик, ғижимланиши, толавий таркибини аниқлашда қўлланилади. Амалий – лаборатория машғулотлари ўтказиш учун аввалдан тайёрланилади; ускуналар, хона, тадқиқот обектлари, топшириқ карточкалари, ҳисбот учун жадваллар шакллари тайёрлаб олинади. Амалий лаборатория ишларини бажариш кўрсатмаси бўлиши, натижалар жамоа бўлиб муҳокама қилиб, баҳоланиши керак.

Амалий лаборатория - ишлари ўқувчиларга фақат турли хил ускуналар, асбоблар, мосламалар билан ишлашини ўргатмай, балки ўлчовлар, кузатишлар натижаларини ишлаб чиқишни ўрганиш ҳамда тўғри илмий хулосалар ва умумлашмалар чиқариш имконини беради.

Ишлаб чиқарии корхонасига саёҳат. Саёҳат – технология таълими ни ташкил этишнинг шундай шаклини, у орқали ўқувчилар бевосита ишлаб

чиқариш шароитида жиҳозлар билан танишиб, технологик ва меҳнат жараёнларини ташкил этишни кузатиб боради, яъни ўқувчиларни бевосита ишлаб чиқариш шароитига, жиҳозлар, технологик ва меҳнат жараёнлари билан таништириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарига саёҳат ўтказилади.

Саёҳат жараёнида корхоналарда тайёрланиладиган маҳсулотлар, замонавий технология, меҳнатни илмий ташкил этиш усуллари ва илғор технологик жараёнлар билан таништирилади.

Саёҳат дастурдаги мавзуларни ўтиб бўлгач ёки ўтишдан аввал ўтказилади. Ўқитувчи экскурсия мавзусини аввалдан танлайди. Саёҳат қачон, қайси жойда боришлиги аниқланади. Саёҳат айнан мана шу мақсад асосида ўюштирилади.

Саёҳат ўтказишда ўқувчи сони 15-20 тадан ошмаслиги керак. Экскурсия давомида фронтал тарзда, айrim ҳолларда якка тушунтириш ва йўлланма бериш мумкин. Саёҳат З босқичда ўтказилади.

1-босқич. Саёҳатга тайёрланиш. Бунда мавзу, мақсад, вазифалар белгиланади, обект танланади. Корхона раҳбари билан шартнома тузилади, экскурсия режаси тузилади (машғулот режаси, ўқувчиларга топшириқ ва ҳисобот шакли).

2-босқич. Саёҳатнинг бориши. Саёҳатнинг мақсад ва вазифаси, кўчада, корхонада тегишли хавфсизлик техникаси қоидалари, тартиблари, кузатиш обекти, ўқувчиларга топширилган вазифалар эслатилади. Ўқитувчи саёҳатни бошидан охиригacha бирга бўлиши, бирор бахциз ҳодиса рўй берса, экскурсияни тўхтатиб тегишли чора кўриши керак. Саёҳат маҳсус тайёрланган мутахассислар томонидан олиб борилади.

3-босқич. Саёҳатни якунлаш. Саёҳат албатта якунланиши шарт. Саёҳат давомида туғилган саволларни ҳал қилинади. Саёҳат корхонада ўтказилган якунловчи сухбат билан чекланмайди. Саёҳатни сўнгги якуни технология таълими машғулотларида берилган топширикларни бажарилишини муҳокама этилади. Саёҳат вақтида қайд этилган маълумотлар дафтарга ёзиб қўйилади. Саёҳат якуни бўйича реферат ёзиш, алъбом тайёрлаш, таасуротлар асосида расм чизиш мумкин.

Фирмалар, хусусий корхоналар базасида олиб бориладиган машғулотлар. Машғулотни ташкил этишнинг бундай шаклидан 8-9 синф ўқувчилари билан касб танлашга йўллаш машғулотларини олиб борища ўтказиш мумкин. Машғулотнинг бундай шаклидан фойдаланишда фирма ёки хусусий корхона билан шартнома тузилади, ўқувчиларни замонавий техника ва технологияяга асосланган унумли меҳнатда қатнашишлари учун қулай шароитлар

яратилади. Бундай машғулотлар ўқувчилар учун корхонани бошқариш жараёни, корхонадаги касблар билан яқиндан танишиш имконияти туғилади, танлаган касблари ҳақида түлиқ маълумот олишларига имконият яратилади.

Ўқувчиларнинг меҳнатга оид мустақил ишлари. Ўқувчиларни меҳнатга оид мустақил ишларига қуидалар киради:

1) Уй вазифаси тариқасидаги топшириқлар бериш ўқувчиларни билиш фаоллигини, ижодий мустақиллигини ўстиради, уларни ҳаётга, меҳнатга тайёрлайди. Технология таълими машғулотлари жараёнида ўқувчиларга ўз ўлчамида буюмлар чизмасини чизиш, буюм андозасини тайёрлаш вазифаси топширилади. Уйга вазифа беришдан олдин ўқитувчи топшириқнинг можиятини, бажариш тартибини, олинган натижанинг текшириш йўлларини, талабларини тушунтиради. Берилган уй вазифасини тўғри бажарилганлигини ўқитувчи томонидан текшириб борилиши керак. Уй ишларини баҳолашда топшириқларни бажаришнинг қулай усулларидан фойдаланганлиги, илгари эгаллаган билимига таяниш, технологик эчимларнинг қиммати, чиқарилган хулоса ва умумлашмаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиниши лозим.

2) Ижодий топшириқларни бажариш. Ўқувчиларда ижодий фаоллик касбга муҳаббатни ривожланиш имконини беради. Ўқувчи берилган топшириқни бажаришда фан ва технология ютуқларини, топшириқнинг энг мақбул эчимларни топиш имкониятлари устида изланади, янгиликка интилади, топшириқлар эчимини ижодий ҳал қиласди.

Меҳнатни ташкил этиши шакллари. Меҳнатни ташкил этишнинг хилмажил шакллари мавжуд бўлиб, мавмуни мақсадига боғлиқ бўлади. Чизма чизишни барчага баробар ўргатишда фронтал, амалий иш бажаришда звено ва якка шаклдан фойдаланилади. Ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан биргаликда бажарилган иш фронтал усул дейилади. Ҳар бир ўқувчи ўзи иш бажарса якка, бир неча ўқувчилар битта амалий ишни бажарса звено ёки фронтал шакли дейилади.

Технология таълими ва касб танлашга йўллаш машғулотлари жараёни шакллари - дидактик мақсаднинг аниқлиги, таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги, ўқув материалиини тўғри танлаш, ўқитиш моделларини мақсадга мувофиқ танлаш, ўқувчиларнинг мустақиллиги, дарснинг ташкилий аниқлиги ва ўқувчилар ишида хавфсизликни таъминлашни ўз ичига олади.

Масофавий таълим – маҳсус ўқитиш воситалари ёрдамида ўқитувчи билан боғланиш, шахсий жадвал билан ўзи хоҳлаган жойда ўқиши, ўз устида интенсив, мустақил ишлаши лозим бўлган, мақсадга йўналтирилган билим олиш тури.

“Модел” тушунчаси илм-фаннынг кўп соҳаларида қўлланилади. Модел – схема, физик конструксиялар, белгили шакллар ва формулалар кўринишида сунъий ҳосил қилинган обект бўлиб, у тадқиқ қилинаётган обектга ўхшаш бўлади, унинг тузилишини, хусусиятларини, обектнинг элементлари орасидаги ўзаро алоқалар ва муносабатларни содда ва тушунарли тарзда акс эттиради.

2. Технология таълими , қасб танлашга йўллаш дарсларининг типлари. Ҳар бир аниқ дарс олдига қўйиладиган асосий таълимий вазифага қараб дарснинг таркиби ва айрим босқичларининг вазифаси ўзгариши мумкин. Шу нуқтаи назардан устахоналардаги дарсларни бир неча типга бўлиш мумкин.

Меҳнат талими дарслари асосий типлари.

1. Ўқувчилар янги билимларни эгаллайдиган дарслар. Бу типдаги дарсларга кириш машғулотлари, шунингдек, асосий таълимий вазифаси ўқувчиларга назарий маълумотлар бериш, уларда баъзи тушунчаларни шакллантиришдан иборат бошқа ўқув мавзуларига доир (масалан, «Пўлатнинг асосий сортлари ва маркалари», «Деталлар ва механизмлар» мавзулари бўйича ўтиладиган) дарслар киради.

Ўқувчиларнинг янги билимларни эгаллайдиган дарсларда янги материални баён қилиш асосий ўрин олади.

Масалан, 5 синфдаги кириш машғулотларида ёғочга ишлов беришни ҳам, металлга ишлов беришни ҳам ўрганишда ўқувчиларга устахоналарда ҳар қандай буюмни тайёрлаш учта асосий босқичдан, яъни деталларни механик ишлаш, йиғиш, охирги пардозлаш босқичларидан иборат эканини кўрсатиш вазифаси қўйилади. Бу вазифани ҳал қилиш учун дарсни суҳбат шаклида ўтказиш керакки, унда ўқувчиларнинг кучи синфларда меҳнат дарсларида олган билимларига таяниш мумкин бўлсин. Ўқитувчи ўқувчиларга 1-4 синфларда буюмларни тайёрлаш қандай босқичлардан иборат бўлганини эслашни таклиф қиласди. Шундан кейин бу босқичлар ўқув устахонасида ҳар хил буюмлар ясаш жараёни билан таққосланади. Натижада ўқувчиларнинг қизиқишилари ортади ва уларнинг политехник билим доираси кенгаяди, технологик жараён ҳақидаги дастлабки тушунчалар ҳосил қилинади.

«Пўлатнинг асосий сортлари ва маркалари» мавзуси бўйича дарс ўтиш методикаси бошқача. Бу дарсда ўқитувчининг тушунтиришига асосий ўрин берилади, чунки ўқув материали ўз ичига ўқувчилар учун янги маълумотларни ҳам оладики, уларни баён қилишда ўқувчиларнинг бошқа ўқув фанларидан олган билимларига таяниш қийин бўлади.

«Станокларда металларни қирқиши жараёни» мавзусидаги дарсда ўқитувчи тушунтиришни сұхбат билан құшиб олиб бориши мүмкін, чунки бу дарсда асосий вазифа ўқувчиларнинг тасавурунин ва устахонадаги таълим давомида металларни қирқиши бўйича олган билимларини умумлаштиришдан иборат бўлади. Умумлаштириш жараёнида ўқувчиларнинг билимларига таяниш, сұхбатдан фойдаланиш учун яхши шароит яратади. Аммо ўқувчилар металларни қирқиши ҳақидаги билимларини умумлаштириб ана шу билимлар билан чегараланиб қолмайдилар, уларнинг билимлари ўқитувчининг тушунтиришлари туфайли кенгаяди ва тўлади.

Янги билимлар олиш дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари ҳам ўз ўрнини топмоғи керак, бу мустақил иш янги материални дарслиқдан ўрганишдан, содир бўлаётган жараёнларни кузатишдан (масалан, ўқитувчи металларни чархлашда, «қиров» ҳосил бўлишини намойиш қиласи ва ҳоказолардан) иборат бўлиши мүмкін.

2. Кўникма ва малакаларни шакллантириши дарслари. Бундай дарслар устахоналарда қўпроқ ўтказилади. Кўникма ва малакаларни шакллантириш дарсининг асосий босқичи ўқувчиларнинг мустақил ишларидан иборат бўлади. Буюмларни тайёрлаш ва йиғишида анна шундай дарсларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Дастлабки кўникма ва малакаларни шакллантиришга бағишлиланган дарслар билан уларни мустаҳкамлашга бағишлиланган, яъни такрорлаш машқларига бағишлиланган дарсларнинг фарқини билиш керак. Ҳар қандай технологик операцияни амалда ўрганиш ўқувчиларни меҳнат усулларини бажариш қоидалари билан таништиришдан бошланади. Бу усуллар аввал ўқувчилар томонидан ўқув машқлари сифатида, кейин эса маълум деталларни тайёрлаш жараёнида бажарилади.

Дастлабки кўникма ва малакалар шу тариқа шакллантирилади. Бу даврда ўқитувчининг эътибори, асосан меҳнат усулларининг тўғри бажарилишини текширишга қаратилади.

Такрорлаш машқларида ўқувчиларнинг мустақиллiği меҳнат усулларини тўғри бажаришдагина эмас, балки уларни буюмнинг конфигурациясига ва ишлов беришнинг аниқлигига қўйилган талабларга боғлиқ ҳолда танлашда намоён бўлиши керак.

Мазкур дарснинг асосий вазифаси кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат бўлса ҳам, бу ўқувчиларни муайян ҳажмдаги янги билимлар билан бойитмай амалга ошмайди.

3. Билимларни амалда қўллаш дарслари. Ҳар қандай амалий ишни ҳам тегишли билимларни қўлламай бажариб бўлмайди. Аммо шундай ҳоллар ҳам

бўладики, унда билимларни қўллаш ўқитувчининг эътибори қаратилган асосий таълимий вазифа бўлиб қолади.

Мисол учун моделлаштириш бўйича топшириқларни оламиз. Моделлаштириш учун ўқувчилар конструксиялаш ва технологик жараёнларни ташкил этиш бўйича билимларга эга бўлиш керак. Ўқувчилар аниқ мисоллар орқали моделлаштиришнинг умумий асослари ҳақида билим олишлари, моделлаштириш жараёни бўйсунадиган ягона қоидалар ва талаблар билан қуролланишлари керак. Моделлаштириш дарсларида ўқувчиларнинг билим ва малакаларини амалда моҳирона қўллашлари мана шунинг учун ҳам алоҳида зарурдир.

Билимларни қўллаш дарсларида ўқувчиларнинг мустақил ишлари алоҳида ўрин олади, аммо у кўнима ва малакаларни шакллантириш дарсларидагига қараганда бирмунча бошқачароқ йўсинда баҳоланади. Ўқитувчини аввало ўқувчилар бирор ишни бажаришда ўз билимларини қанчалик моҳирлик ва мустақил қўллай олишлари қизиқтиради. Бунда ўқувчиларнинг меҳнат усулларини тўғри бажаришини назорат қилишни ҳам унутмайди, албатта.

4. Такрорлаш дарси. Ўқувчиларнинг янги материални ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга тайёрлигини текширишга қаратилган такрорлаш дарслари ўқитувчига дарснинг асосий таълимий вазифасини бажаришда ёрдам берадиган муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Аммо баъзан такрорлашнинг ўзи дарснинг марказида туради. Бундай дарс якунловчи машғулот бўлади.

Якунловчи машғулотларда ўқитувчи ўқувчилар технология таълими жараёнида олган билим ва малакаларни умумлаштириди. Бунда умумлаштириш кучайиб боради. Масалан, ўқитувчи синфда ёғочга ишлов беришни ўргатишни тамомлаб ўқувчиларга қайси операциялар билан танишганликларини эслашни, шунингдек, бу операциялар кўлланадиган соҳаларни белгилаш учун уларни ўзаро таққослашни, уларнинг афзаллиги ва камчиликларини яна бир марта аниқлашни тавсия этади. Шу синфда металларга ишлов беришни ўрганишни тамомлаб, металларга ишлов бериш ҳақида умумлаштирувчи сухбат ўтказади. Бундан ташқари ўқитувчи ўқувчиларга ёғоч ва металларнинг хоссаларини, металларнинг айрим турларини режалаш усулларини таққослашни таклиф қиласди. Шу билан бирга ўқувчилар қуий синфларда қоғоз, картон газламалар каби материаллар билан ишлашда режалаш билан танишганликларини эслатади ва шу асосда операциянинг политехник характерини кўрсатади. 5-7 синфларда таълим малакаларни умумлаштириш имкониятлари ортади. Умумлаштириш фақат ўқувчилар ўзлаштирган нарсаларни шунчаки жамлашдан иборат бўлмай,

балки, уларнинг билимларидағи сифат ўзгаришларини жамлашдан ҳам иборат бўлиши керак. Ёғоч ва металларга ишлов беришни таққослаш ўқувчиларни янги хулосаларга олиб келиши лозим. Хусусан, ўқувчилар материалларни қирқиши билан ишлашнинг ҳар хил усуллари ягона табиий-илмий қонуниятлардан фойдаланишга асосланишига ишонч ҳосил қилишлари зарур. Айтилганлардан кўриниб турибдики, такрорлаш дарслари ўқувчиларга янги билимлар бериш элементларини ҳам ўз ичига олади.

Ўқувчиларнинг билим ва малакаларини умумлаштириш ишлари бутун таълим даврини қамраган ҳолда олдиндан тузилган режа асосида олиб борилсагина самарали бўлади.

5. Билим, қўникма ва малакаларни текшириш дарси. Устахонадаги ҳар бир машғулотда ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малакаларини текширишга эътибор берилади. Шу билан бирга уларни комплекс текшириш мақсадида назорат ишлар ўтказилади, бу контрол ишлар маҳсус дарсларда амалга оширилади. Бу дарсларда ўқувчилар мустақил ишлайилар. Шунга кўра иш обектлари алоҳида синчиклаб танланиши уларни тайёрлаш жараёнида ўқувчилар билмайдиган маълумот ва меҳнат усуллари бўлмаслиги керак.

Назорат ишининг мазмуни қайси синфда ўтказилаётганига қараб белгиланади. 5-синфда ўқувчилар жуда кўп техник хужжатлар бўйича, яъни меҳнат топширигини бажариш учун зарур ҳамма маълумотлар мавжуд бўлган хужжатлар бўйича ишлайдилар. Шундай қилиб, 5-синфда аслида ўқувчиларнинг техник хужжатлардан фойдаланиш ва буюмнинг берилган аниқлигига эришиш малакалари текширилади. 4-синфда назорат иш фронтал йўсинда ўтказилиши мумкин. Ўқувчилар кейинги синфларда маълумотлар тўла бўлмаган хужжатлар билан ишлай бошлайдилар. Шу сабабли назорат ишларда ўқувчилар факат мураккаброқ ишлов беришни бажариб қолмай, балки чуқур билимларини ҳам кўрсата олишлари керак. Ўқувчилар чизмаларни ўқишда, асбобларни танлашда, ишлов бериш изчилигига ўзларининг мустақилликларини етарли даражада кўрсата олишлари учун 5-7 синфларда билим, қўникма ва малакаларни текшириш дарсларида иш обектларини ҳар хиллаштириш ҳамда машғулотларни ташкил қилишнинг якка шаклини қўллаш маъқулдир.

7-синфда яқунловчи текшириш иши ўтказилиши мумкин, бу иш ўз ичига станокларда металларга ишлов бериш, чилангарлик ишлари, чилангар-механик ва электромонтаж ишларини олади.

Ўқитувчи назорат ишлар ҳақида ўқувчиларни олдиндан огоҳлантириб қўяди.


Кўриб чиқилган дарс типлари билан бир қаторда технология таълими амалиётда кўпинча комбинациялашган дарсдан фойдаланилади, бу дарснинг тавсифли жиҳати шуки, унда бир вақтнинг ўзида аҳамиятга эга ҳар хил таълимий вазифалар бажарилади (масалан, янги билимлар бериш ва малакаларни шакллантириш).

3.“Таълим методлари” тушунчасининг тавсифи ва турлари. “Метод” сўзининг юононча таржимаси “тадқиқот”, “усул”, “мақсадга эришиш йўли” каби маъноларни англатади. Философия луғатида ушбу тушунча умумий тарзда “мақсадга эришиш усуллари” дея шарҳланган. Аксарият муаллифлар “таълим методлари ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш усуллари” деган қарашга ён босадилар. Демак, **таълим методлари** таълим жараёнида қўлланилиб, унинг самарасини таъминловчи усуллар мажмуидир.

Таълим методлари таълим мақсадини ёритишга хизмат қиласи, у ёрдамида таълим мазмунини ўзлаштириш йўллари ифода этилади, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳаракати, хусусияти акс эттирилади. Метод, биринчидан, таълим мақсадига эришиш воситаси сифатида намоён бўлса, иккинчидан, таълим фаолиятини амалга ошириш шарти ҳисобланади.

Таълим методи деганда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолият йўллари тушунилади. Буларнинг ёрдамида ўқувчилар билим, малака кўникум, касбий маҳоратларни эгаллашга эришадилар, ақлий ва жисмоний куч ва ижодий қобилият ривожланади.

Дидактик жараён тузилмасига кўра таълим методлари қўйидаги уч гурухга ажратилади:



Юқорида кўрсатилган методлар қўйидаги тарзда ҳам номланади:

1. Ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш ва бажариш методлари.
2. Ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш ва мотивлаш методлари.
3. Назорат ва ўз-ўзини назорат методлари.

Ўқувчига билимларни етказиши шаклига кўра таълим методлари:

1. *Оғзаки баён қилиши методлари.*
2. *Кўргазмали методлар.*

3. Амалий методлар каби турларга ҳам ажратилади.

Таълим методлари тизимида мұхим үрин тутадиган оғзаки баён қилиш методларининг ўзи ҳам қуидаги турларга ажратилади:



Оғзаки баён қилиш методларининг турлари

Оғзаки баён қилиши методлари ўқувчиларнинг умумий маданияти, мантиқий фикрлаши ҳамда билиш қобилиятыни ривожлантириш билан боғлиқ. Оғзаки методларга ўқув материалининг ўқитувчи томонидан оғзаки баён қилинишига, ҳикоя, тушунтириш, сұхбат ўқувчиларнинг техник адабиёти билан мустақил ишлаши ёзма инструксия бериш, овоз ёзуви телевидение кабилар киради.

Материални оғзаки баён қилиши - касб таълимида ҳикоя қилиш, тушунтириш, маъруза, сұхбат, ўқув материалини оғзаки баён қилишнинг асосий методлари ҳисобланади.

Ҳикоя - ўқитувчи томонидан ўқув материалини тартибли, мантиқий, изчил, нисбатан кенгроқ баён қилишда фойдаланилади. У пухта режа асосида тузилиши, материални баён қилишда ноаниқликка йўл қўймаслик учун барча деталлари билан тайёрланиши лозим.

Ҳикоя ўқитувчи томонидан мавзуга оид далил, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, тасвирий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир. Методнинг самараси кўп жиҳатдан ўқитувчининг нукт маҳорати, сўзларни ўз ўрнида, ифодали баён қилиши, ўқувчилар ёши, ривожланиш даражасини инобатга олишига боғлиқ. Ҳикоя ахборотлар билан бойитилиши керак.

Ҳикоя қилинаётган материални саралаш маҳсус режа асосида амалга оширилади. Ўқитувчи ҳар бир дарсда унинг мақсадини аниқ белгилаб олади, ундаги асосий тушунчаларга алоҳида урғу беришга эътиборни қаратади. Ҳикоя қисқа бўлиши, ўқувчиларда ҳис-ҳаяжон, мавзуга қизиқишни уйғотиши керак.

Сұхбат савол ва жавоб шаклидаги диалогик таълим методидир. Сұхбат методи фанга қадимдан маълум, хатто ундан ўз фаолиятида Сукрот ҳам моҳирона фойдаланган. Сұхбат таълим жараёнида ақлий фикрлаш, ҳозиржавоблик, мулоқот маданияти ва бошқа сифатларни шакллантиради,

ўқувчидаги фаолликни юзага келтиради. Сұхбат үқитувчи фикрига мос ҳаракат қилиш, натижада янги билимларни босқичма-босқич әгаллашға имкон беради.

Сұхбат – фаолиятини әндигина бошлаган үқитувчи учун мураккаб таълим методи ҳисобланади, саволларни тайёрлаш, уларнинг кетма-кетлигини таъминлаш, уни ташкил этишда эса барча ўқувчиларнинг диққатини жалб этиш талаб қилинади. Үқитувчи оддий саволлар бериши, ўқувчиларга улар юзасидан батафсил ўйлаш учун вакт ажратиши, ўқувчиларнинг жавобларини эса диққат билан тинглаши, зарур ўринларда уларни шархлаши лозим. Шу боис сұхбатда билиш дедуктив ёки индуктив йўл билан амалга ошади. Дедуктив сұхбат үқувчиларга олдиндан маълум бўлган қоидалар, тушунчалар, ҳодисалар, жараёнлар асосида ташкил этилиб, ўқувчилар таҳлил ёрдамида хусусий хulosаларга келадилар. Сұхбатнинг индуктив шаклида алоҳида далиллар, тушунчаларнинг таҳлил асосида умумий хulosага келинади.

Сұхбат турли кўринишларда, яъни, кириш, якуний, индивидуал ва гурухли сұхбат тарзидаги ташкил этилади.

Кириш сұхбати ўқув ишларининг бошида ташкил этилади. Уни ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳал этилиши зарур бўлган ишлар моҳиятининг ўқувчилар томонидан англаб етилганлигини текшириб кўришдан иборат.

Якуний сұхбат ўқувчилар томонидан әгалланган билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш мақсадида амалга оширилади.

Тушунтириши ўқув материали мазмунини исбот, таҳлил, умумлашма, таққослаш асосида баён қилишдир. Бу метод ҳикояга нисбатан бирмунча кенг қўлланилади. Ундан одатда назарий материаллар ва мураккаб масалаларни ўрганишда фойдаланилади. Тушунтириш чоғида ўқув материалининг қийин ўринларига ургу берилиб, мазмун очилади. Тушунтириш самараси ўқитувчининг кўргазмали воситалардан фойдаланишига боғлиқ. Тушунтириш - ҳикояга яқин бўлган таълим методи ҳисобланади. Касб таълимида ҳикоя ва тушунтиришдан алоҳида ҳолда кам фойдаланилади. Масалаларни баён қилишда, масалан: машиналар, механизmlар тузилиши ёки технологик жараёнларнинг боришини баён қилишда кўпинча ҳикоя ва тушунтириш бирга қўшиб олиб борилади. Ҳикоя тушунтириш муваффақиятли ўтказилиши учун үқитувчи ўқувчиларнинг амалий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда етказиладиган материални қабул қила олишларини тасаввур қилиш керак. Бунинг учун ўқувчилар маҳсус технология, материалшуноснинг мавзулари бўйича қайси ўқув материалини ўтганликларини билиш мухимдир. Бундан ташқари, үқитувчи ўқувчиларни

йўлланма вақтида саволлар ёрдамида нималарни эслашларини текширади ва зарур билимларни улар хотирасида қайта тиклайди.

Маъруза йирик ҳажмдаги ўқув материалини оғзаки баён қилиш методи саналиб, у қатъий мантиқий кетма-кетлик, узатилаётган ахборотларнинг кўплиги, билимлар баёнининг тизимлилиги каби ўзига хос хусусиятларини намоён этади.

Маъруза мазмуни муракаб тизимлар, ҳодисалар, обектлар, жараёнлар, уларнинг сабабли-оқибатли боғланишлари, қонун ва қоидалардан ташкил топади, у бутун дарс жараёнини қамраб олиши мумкин. Маъруза методи тушунтириш ва сухбатнинг аста-секин кенгайиб боришидан вужудга келади, бир вақида ўқувчиларни қисқача ёзиб олиш (конспектлаш)га ўргата боради.

Мактаб маърузасининг самарадорлигини таъминлаш шартлари қуидагилардан иборат: маъруза режасини тузиш; ўқувчиларни маъруза мавзуси, режаси билан танишириш; маъруза бандларини мантиқийлик ва кетма-кетлиқда баён этиш; ҳар бир бандини қисқача хulosалаш; маъruzанинг бир қисмидан иккинчисига ўтишда мантиқий алоқадорликни таъминлаш; маъruzани муаммоли ва ҳиссий тарзда баён қилиш; бунжা нутқ имконияти, мисоллар, аниқ далиллар ва қиёслашлардан фойдаланиш; ўқувчиларнинг билиш фаолиятини маҳорат билан бошқариш; маъruzанинг муҳим жиҳатларини очиб бериш; ўқувчилар маъruzанинг асосий ўринларини ёзиб боришлига имкон яратиш; муҳим ўринларни таъкидлаб кўрсатиш; маъруза мазмунини кўргазмали тарзда (намойиш, иллюстрация, видеофильм ва бошқалардан фойдаланган ҳолда) ёритиш.

Таълим сифатини оширишда **кўргазмали методлар** ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Кўргазмали методнинг қуидаги турлари мавжуд:



Ушбу методлардан фойдаланиш зарурияти кўрсатмалилик тамоилиига амал қилиш мақсадга мувофиқ эканлигига кўринади. Педагогик-психологик йўналишда олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан маълум бўладики, шахс томонидан ўзлаштирилаётган билимларнинг 85 фоизи кўриш рецепторлари ёрдамида ўзлаштирилади.

Кўргазмали методлар – бу кўрсатмали куролларни намойиш (кўрсатиш) қилиш меҳнат усулларини кўрсатиш; ўқувчиларнинг мустақил кузатишлари; ўқув-ишлиб чиқариш экскурсиялари.

Кўрсатмали қуролларни намойиш қилиш (кўрсатиш) методи ёрдамида ўқувчиларда меҳнат ҳаракатларининг муайян ва аниқ образи шаклланади. Улар унга тақлид қиласидилар ва ўз ҳаракатларини қиёслайдилар. Мазкур методнинг қўлланилиши касб таълимида кўргазмалик тамойилининг яққол намунаси бўлиб ҳисобланади. Касб таълими дарсларида кўрсатмали қуролларнинг турли хил ва шаклларидан фойдаланиш ўқитувчининг тушунтиришларини яхши идрок қилиш ҳамда ўзлаштиришларга, малакаларнинг мустаҳкам шаклланишига ёрдам беради. Плакатлар, схемалар, моделлар, макетларнинг намойиш қилиш билан бир қаторда ҳаракатдаги иш қуроли, асбоблар, мосламалар хомашёлар, буюмларнинг намуналари ва ҳоказоларни кўрсатиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Намойиш методи ўрганилаётган обект ҳаракат динамикасини очишда, предметнинг ташқи қўриниши, ички тузилиши ҳақида маълумот беришда кенг қўлланилади

Табиий обектларни намойиш қилишда одатда унинг ташқи қўриниши (шакли, ҳажми, миқдори, ранги, қисмлари, уларнинг ўзаро муносабатлари)га эътибор қаратилади, сўнгра ички тузилиши ёки алоҳида хусусиятларини ўрганишга ўтилади. Кўрсатиш кўп ҳолатларда ўрганилаётган обектларнинг субекти ёки чизмаси ёрдамида кузатилади. Тажрибалар намойиши эса синф тахтасига чизиш, маҳсус жиҳозлар ёрдамида кўрсатиш ҳисобига амалга ошади.

Предметлар, ҳодиса ёки жараёнларни табиий ҳолатда намойиш қилиш янада кўпроқ самара беради, бироқ, бундай намойишни амалга ошириш ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди. Шу сабабли табиий предметларни намойиш қилишда сунъий муҳитга мурожаат қилишади (масалан, ҳайвонлар билан ҳайвонот боғида, турли ўсимликлар билан эса иссиқхоналарда танишиш), сунъий обектлар (макет, модел, муляж, скелет, б.ш.)дан фойдаланилади.

Метод ёрдамида ўқитувчи ўқувчиларни мустақил равища обектларни ўрганиш, зарурий ўлчов ишларини олиб бориш, алоқадорликни ўрнатиш, ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етишга, фаол билиш жараёнига йўналтириши лозим. Намойиш самараси кўп жиҳатдан билиш жараёнининг ўқувчилар ёшига мос ҳолда тўғри танланиши, уларнинг диққатини намойиш этилаётган предметнинг муҳим жиҳатларига йўналтиришига боғлиқдир.

Ўрганилаётган мавзунинг мазмунига боғлиқ бўлган нарса, ҳодиса ва воқеаларни ҳамма вақт синф шароитида намойиш қилиш мумкин бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўтилаётган мавзунинг характеристига қараб, экскурсия методидан ҳам фойдаланилади. Мазкур метод синф шароитида – дарс жараёнида қўлланиладиган таълим методларидан тубдан фарқ қиласиди.

Экскурсия нарса ва ҳодисалар моҳиятини табиий шароитлар (ишлаб чиқариш муассасалари, фермер ва жамоа хўжаликлари, табиат) ёки маҳсус муассасалар (музей, кўргазма заллари ва ҳоказолар)да бевосита ўрганилишининг ташкил этилишидир. Экскурсия бир вақтнинг ўзида мустақил таълим тури ҳам саналади.

Кўргазмали методлардан фойдаланишда қўйидаги шартларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир:

- кўргазмалиликнинг ўқувчилар ёши ва ривожланиш даражасига мос келиши;
- намойиш этилаётган обектлар барча ўқувчиларга яхши кўриниб туриши;
- намойишда унинг бошланғич босқичи ва асосий жараён (холат)ларнинг ажralиб туриши;
- тажрибалар намойиши макет, жиҳоз, қуроллар ёки тажриба схемасини чизиб кўрсатиш асосида ташкил этилиши;
- намойиш ва иллюстрация ўқув материалининг мазмуни билан уйғун бўла олиши лозим.

Амалий ишлар методи ўзлаштирилган билимларни амалий масалалар ечимини топишга йўналтирилган жараёнда қўллашни тақозо этади, бунда назарий билимларни амалиётда қўллаш кўникмаси ҳосил қилинади. Амалий ишлар синфда, табиий шароитлар – мактаб ер майдони, иссиқхона, географик майдонларда амалга оширилади. Бу жараёнда содир этиладиган ҳаракатлар ўқитувчи томонидан назорат қилинади, зарур ҳолларда йўриқнома ёки маҳсус кўрсатмани ўқувчилар эътиборига ҳавола этади.

Амалий ишлар методи ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий билимлар ёрдамида уларда амалий кўникма ва малакаларни ҳосил қилишда алоҳида аҳамият касб этади:



Амалий методларга машқлар, инструктаж (йўлланма)лар, ўқув қўлланмалар билан ишлаш, лаборатория тажрибалари, касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш киради.

Машқлар – касб-хунар таълими жараёнини тадқиқ қилиш ҳар бир янги операцияни қисқа муддатли (5-15 минутли) машқлардан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бу машқларни шартли равишда таълимий машқлар дейилади.

Амалий ишларни бажариш жараёнида ўқувчилар ҳар хил буюмлар тайёрлар экан, меҳнат усуллари ва ҳаракатларини бажариш бўйича машқ қилишни давом эттирадилар. Бундай машқларни тайёргарлик машқлари дейилади.

Машқ - ақлий ёки амалий (жисмоний) ҳаракатларни бажариш кўникмаларини эгаллаш йўлидаги кўп марта такрорланишлар бўлиб, машқсиз кўникма ҳамда малакаларни шакллантириш мумкин эмас. Машқлар оғзаки, ёзма, график (техник жараёnlарни ёритиш), ижтимоий-фойдали, жисмоний ва б.ш. турларга бўлинади.

Ёзма машқлар – таълимнинг таркибий қисми сифатида зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун қўлланилади. Диктант, иншо, масала, мисол, реферат ёзиш, тажрибани ёритиш ёзма машқ саналади.

Графикавий ишлар ёзма ишларга ўхшаш бўлиб, улардан техник жараёnlар (география, физика, математика, чизмачилик, расм, технологик таълим)да кенг кўламда фойдаланилади.

Машқлар самараси қўйидаги шартлар ҳисобга олинганда бирмунча юкори бўлади:

- машқларни бажришга нисбатан онгли ёндашиш;
- бажариш қоидасини билиш;
- вақт бўйича такрорланишнинг тўғри тақсимланиши.

Машқ бажаришни ташкил этиш босқичлари: ўқитувчининг фаолият мақсади ва мазмунини тушунтириши; топшириқни бажариш кетмакетлигини кўрсатиши; ўқитувчи назорати остида ўқувчилар томонидан ўқув ҳаракатининг дастлабки бажарилиши; зарур кўникма ва малакалар шакллангунича ўқув ҳаракатларнинг кўп бора такрорланиши.

Баъзан ўқувчилар овоз чиқариб ўқув ҳаракатларини такрорлашлари, бажаришлари лозим. Улар изоҳли машқлар деб номланиб, ҳаракатлар моҳиятини анлаган ҳолда кўникма, малакаларни эгаллашга имкон беради.

Лаборатория ишлари ўқувчиларнинг жиҳоз, маҳсус ускуна, қурол ҳамда турли техникавий қолиплардан фойдаланган ҳолда тажрибаларни ўтказиши методлари бўлиб, улар кўпроқ табиий фанлар асосларини ўрганишда қўлланилади. Метод ўқувчиларнинг асбоб-ускуналар билан иш кўриш, ўлчаш ишларини амалга ошириш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш каби кўникмаларини шакллантиришга имкон беради. Лаборатория ишларини бажариш маҳсус қурилма ва жиҳозлар, материаллар ҳамда вақтни сарфлаш, уларни ишга тайёр ҳолатга келтиришни талаб этади.

Амалий ишларнинг лабораториядан фарқи шундаки, у ўқувчиларнинг назарий билимларини амалий масалаларни ечиш фаолиятини ташкил этади.

Метод ўқувчиларнинг билимларини чуқурлаштириш, билиш фаолиятини назорат қилиш, камчиликларни тузатиш кўникмаларини шакллантиради.

Амалий машғулотларда билиш фаолияти беш *босқичда* ташкил этилади:

1. Ўқитувчининг тушунтириши, фаолият моҳиятини назарий жиҳатдан англаш

2. Кўрсатма бериш, йўл-йўриқ кўрсатиш

3. Тажрибани ташкил этиш (унда икки-уч нафар ўқувчи амалий ҳаракатларни бажаради, қолган ўқиувчилар эса уларнинг фаолиятини кузатади)

4. Фаолиятни ташкил этиш (ўқувчи топшириқни мустақил бажаради, қийналган ўқувчиларга эътибор қаратилиб, уларга ёрдам кўрсатилади)

5. Назорат (унда ўқувчиларнинг ишлари қабул қилиниб, баҳоланади; ишнинг сифати, материалнинг мақсадга мувофиқ танланганлиги, вақтни тежаш, топшириқни бажариш тизимининг тўғрилиги ва самарадорлигига эътибор берилади)

Таълим жараёнида ўқувчиларнинг назарий билимлари негизида амалий кўникма, малакаларни шакллантиришда **дидактик ўйинлардан** фойдаланилади. Дидактик ўйин ўрганилаётган обект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида ўқувчининг билишга бўлган қизиқиши, фаоллигини оширувчи ўқув фаолияти туридир.

Таълимнинг глобаллашуви таълимий ва ривожлантирувчи характеристига эга ва йўналиши жиҳатидан хилма-хил бўлган компьютер ўйинларининг мактаб амалиётига жадал кириб келишини таъминламоқда. Дидактик ўйинлар ўқувчиларга ижтимоий-фойдали меҳнат ҳамда ўқиш кўникмаларини фаол ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Дидактик ўйинларнинг аҳамияти унинг натижаси билан эмас, балки жараённинг мазмуни ва унинг кечиши билан белгиланади. Ўйинлар болаларни ижтимоий муносабатлар жараёнида фаол иштирок этишга тайёрлайди, уларнинг турли психологик зўриқишлирини камайтиради.

4. **Таълим методларини танлаш йўллари.** Таълим методларини танлашда қуйидагилар инобатга олиниши лозим:

- замонавий дидактиканинг етакчи ғоялари, таълим, тарбия ва ривожлантиришнинг умумий мақсадлари;
- ўрганилаётган фан мазмуни ва методлари, мавзуларининг ўзига хослиги;
- хусусий фанлар методикасининг ўзига хослиги ва умумидидактик методларни саралашга қўйилувчи талабларнинг ўзаро алоқадорлиги;
- муайян дарс материалининг мақсади, вазифалари ва мазмуни;

- у ёки бу мавзууни ўрганишга ажратилган вакт;
 - ўқувчиларнинг ёш хусусияти, билиш имкониятлари, даражаси;
 - ўқувчиларнинг дарсга тайёргарликлари;
 - ўқув муассасалари, аудиторияларнинг моддий таъминланганлиги, жиҳозлар, кўрсатмали қуроллар, техник воситалар мавжудлиги;
 - ўқитувчининг имкониятлари, назарий ва амалий жиҳатдан касбий тайёргарлик даржаси, педагогик маҳорати, шахсий сифатлари;
- Ўқув муассасаларида фанлараро ҳамкорликнинг ўрнатилганлиги.

5. Дарсларда касб танлашга йўллаш ишларининг шакл ва методлари. Таълим жараёнида ўқувчиларни турли хил касблар билан таништириш бўйича мунтазам иш олиб бориш уларни касб танлашга йўллашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўқувчиларни ҳар бир жамоа хўжалик: туман, шаҳар ишлаб чиқариш муҳити орқали меҳнат фаолиятининг барча турлари билан таништириш мумкин, шунинг учун ҳам ҳар бир технология таълими ўқитувчиси мактабда ўрганиладиган фан доирасидан ташқаридаги, мактаб атрофидаги ишлаб чиқариш муҳити билан яхши таниш бўлиши лозим. Масалан, Тошкент шаҳар мактабларида ишлайтган технология таълими ўқитувчиси металларга механик ишлов бериш дарсида слесарлик ишларини ўтаётганда шаҳарнинг металл ишлаб чиқарадиган заводи билан таништириши мумкин. Шунингдек, ўқувчиларнинг корхона билан, яъни саноат корхонасига қачон ном берилгани, ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг номи ҳамда асосий касб ва ихтисосликларнинг қисқача рўйхатини таништиришни амалга оширади.

Бироқ ўқувчиларни корхона билан таништириш батафсилроқ бўлиши мумкин. Бунда ўқувчиларни асосий ишлаб чиқариш бўлимлари (сехлар) билан, уларнинг жиҳозланиши, ҳар бир сехнинг конкрет маҳсулоти, мазкур сехдаги касб ва ихтисосларнинг тўлароқ рўйхати билан таништириш лозим.

Ўқувчиларнинг ўқув устахоналаридаги техникага оид ишлари уларни ишчи касби билан таништириш бўйича катта имкониятлар яратади.

Шунга карамасдан 5-7 синфлардаги технология таълими нинг мазмунин ўқувчиларда ҳар қандай касбни эгаллаш учун баб-баравар фойдали бўлган умумий меҳнат билим ва кўнікмаларини таркиб топтиришга олиб келади, бундан ташқари технология таълими ўқитувчиси ўқувчиларни замонавий техниканинг элементлари, технологияси билан таништира бориб, уларда зарур меҳнат усуллари пайдо қиласди, шунингдек, ўқувчиларда уюшқоқлик, озодалик, тежамкорлик хислатларини тарбиялаб, уларни аста-секин ҳаётда ўз йўлини танлашга тайёрлайди.

Мактаб устахоналари ўз вазифасига кўра ўқувчилар ўқув меҳнатини ишлаб чиқариш билан бўлган алоқасини амалга оширади. Ўқувчилар ўқув устахоналарида металларга ишлов бериш станогида биринчи марта ишлайдилар, бу ерда улар материалга ишлов бериш устида дастлабки кўникума ва малакаларни ҳосил қиласидилар, техникага оид фикрлашлари, ижодий активлиги ва мустақиллиги ортади, касб ҳақидаги билимлари чуқурлашади ва кенгаяди.

Технология таълими дарслари ҳам, бошқа мактаб фанлари қатори ўқувчиларда ҳавас уйғотиши лозим, аммо унинг манбаи оғзаки қизиқтириш эмас, балки ўқувчилар ўз мақсад ва меҳнат натижаларини кўра оладиган ижтимоий-фойдали характердаги буюмлар (мактаблар, корхоналар, оталиққа олинган болалар боғчасининг буюртмалар)ини тайёрлашга оид амалий ишлар бўлмоғи лозим.

Шунинг учун ҳам, мактаб устахоналарида технология таълими нинг тўғри йўлга қўйилиши ўқувчиларнинг касб танлаши, айниқса ишчи касбини танлашида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ишчи касби бўйича касбга оид ахборот ишларининг асосий йўналиши, характеристи мазмунини белгилаш учун технология таълими ўқитувчиси ўрганилаётган дастур мавзусини машинасозлик ишлаб чиқариши билан, бу корхонада хизмат қилувчи ходимларнинг етакчи касблари билан яқиндан алоқасини ўрнатмоғи зарур. Шу муносабат билан технология таълими ўқитувчиси ўз туманининг ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда бу корхоналарнинг касб ва ихтисос бўйича ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжини яхши ўрганиши лозим.

Олинган материаллар асосида ўқитувчи технология таълими нинг конкрет саноат корхонаси билан алоқасини акс эттирадиган жадвал ҳамда мазкур корхона катта эҳтиёж сезаётган етакчи ишчи касблари руйхатини эътибор билан тузиб чиқиши керак.

Ўқитувчи меҳнат дарсида дастурнинг у ёки бу мавзусини ўтиш жараёнида, хусусан, ўқувчилар томонидан чилангарликнинг металларга белги қўйиш, тўғрилаш, букиш, қирқиш, арралаш операцияларини ўзлаштиришларида уларни ишчи қасби билан қандай таништирганини мисол асосида батафсилроқ кўриб чиқамиз. Технология таълими ўқитувчиси бу операцияларнинг тўғри усувларини кўрсатиб бериб ўқувчилар эътиборини бу усувларнинг қулайлигига, иш унумдорлиги ва сифатига қаратмоғи лозим.

Ўқитувчи ўқувчига бу топшириқларнинг сифатини пасайтиргмаган ҳолда белгиланган вақт меёрида бажариши лозимлигини айтади. Ўқитувчи слесарлик операцияларини бажариш пайтида ўқувчиларда меҳнат

усулларини тўғри шакллантиришга ҳаракат қилиб, уларга агар чилангар-асбобсозлар, тамирловчилар, чилангар-штамповкачилар бажаришга тўғри келадиган ишлар характер жиҳатдан мураккаб ва масъулиятли эканини тушунтиради, шунинг учун меҳнат усулларини қатъий тўғри бажариш кераклигини айтади. Ўқувчиларни касблар билан таништиргач, ўқитувчи газо-электр пайвандчи, айниқса, чилангар-пайвандчи, чилангар-асбобсоз ихтисосига эга бўлган ишчилар корхонада энг малакали касб эгаси ҳисобланишини таъкидлайди.

Ўқувчиларда касбга қизиқиши тарбиялаш касбни тўғри танлашни назарда тутадиган етакчи мотивлардан бири ҳисобланади. Демак, мактабда касб танлашга йўллаш ишларининг муҳим йўналишларидан бири ўқувчиларда касбга бўлган қизиқиши аниқлаш ва ўстириш бўлмоғи лозим. Ўқувчиларнинг касбга қизиқишини аниқлаш уларнинг муайян формада тайёрланган анкеталарни тўлдириш, умумтаълим фанлари бўйича ўқувчилар ўзлаштиришларини ўрганиш, уларни ўқитиш ва камол топтириш давомида кузатиш, касб ҳақида индивидуал сұхбатлар, ўқувчиларнинг тўгаракларга иштироки, қизиқиши картасини тўлдириш, ўқитувчи ва ота-оналар билан сұхбат каби дидактик усул ва методлар ёрдамида амалга оширилади.

Олинган маълумотлар ўқувчи касбни (ихтисосни) ёки ўқув юртини тўғри танлай билдими, булар унинг ҳаваси ва қобилиятига мувофиқ келадими, нима сабабдан мазкур касбни ёки ўқув юртини танлади, ота-оналари ва ўқитувчиларнинг фикри қандай эканини аниқлаш имконини беради.

Анкеталарни тўлдиришдан олдин ўқувчиларга улар анкетадаги саволларга жавоблар «ойлаб» топмасликлари, балки ўз қизиқишилари ва конкрет имкониятларидан келиб чиқмоқлари кераклиги айтилади. Ҳақиқатга мувофиқ келмайдиган жавоблар ўқитувчини чалғитади ва ўқувчиларнинг касбга қизиқишиларини шакллантиришга доир масалаларни анча мураккаблаштиради.

Анкета маълумотларининг тахлили асосида фан-ўқитувчиси, синф раҳбари ҳар бир ўқувчининг касбга, бўлган қизиқиши ва уларнинг барқарорлик даражаси, ишончлилигини диққат билан ўрганади, ана шу асосда уларни янада ривожлантириш бўйича ташкилий-методик тадбирлар белгилайди, ўқувчидаги хато ёки ноаниқ истаклар бўлган тақдирда эса тушунтириш ишлари касбга оид сұхбатлар олиб бориши керак бўлади. Бироқ касбга қизиқиши бўйича бир мартагина ўтказилган анкета усули натижасидаги маълумотлар мактабни битиргунча обектив ва ўзгармас бўлиб қолади, деб ойлаш хато бўлар эди. Гап шундаки, ўқувчиларнинг у ёки бу меҳнат фаолиятини танлаш бўйича майл ва қизиқишилари ҳар хил бўлиб,

барқарорлиги эса пухта саналмайди. Касбга бўлган ҳавас динамикаси ва ривожини кузатиб бориш учун бундай анкета тарқатиш усулини ҳар бир синфда ҳар йили ўтказилгани маъкул.

У ёки бу ўқувчининг касб танлашида юз берадиган ўзгаришларни ўқитувчи ва синф раҳбари диққат билан кузатиши, ўрганиши, сабабларини аниқлаши керак. Шундай аниқлашлардан кейингина мазкур ўқувчининг касбга ҳаваси ва майлига доир кейинти ишлар тўғрисида ойлаш мумкин.

Ўқувчиларнинг касбга қизиқиши масаласи кўриб чиқилганда юз берадиган ўзгаришларнинг сифат жиҳатдан фарқланадиган тўрт хил даражасини назарда тутмоқ зарур.

1. Олдинги қизиқиши кейинги синфда мустаҳкамланади ва ривожланади.
2. Олдинги қизиқишини аниқлаш ва касб ҳақида тасаввур қилиш пайдо бўлади.
3. Дастребки қизиқиши бошқаси билан боғлаб, асослаб танлангани билан алмашинади.
4. Мехнатнинг у ёки бу турига нисбатан дастребки пайдо бўлган қизиқиши унчалик ойлаб танланмаганлиги туфайли сўна бошлайди, унинг ўрнига бошқаси пайдо бўлиши мумкин ва, аксинча, касбга қизиқиши бутунлай сўниши ҳам мумкин. Бундай ҳол кичик ва ўрта ёшдаги ўқувчиларнинг ҳали онгли равища ўзига касб танлай билмаслиги касбга ҳавас аста-секин ривожланиб бориши билан изоҳланади, уни мустаҳкамлаш учун эса касб танлашга оид ишларни тинимсиз амалга ошириш керак бўлади.

Касбга барқарор ва асосли қизиқиши ўқувчиларнинг фаолият турлари - ўқув, меҳнат, синфдан ташқари ишлар ва ҳоказолар билан мустаҳкамланиши зарур. Аммо қизиқишининг чуқур ва қатъийлиги, аввало, унинг амалий фаолиятда янада мустаҳкамланишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалиги, техникага оид ҳамда хизмат кўрсатиш меҳнати дарслари ва техника ижодкорлиги тўгараклари кўпроқ бу талабларга жавоб беради.

Назорат учун саволлар

1. Техник меҳнат дарсининг фарқли хусусиятлари нималардан иборат?
2. Технология таълими дарсига қандай дидактик талаблар қўйилади?
3. Технология таълими да дарсдан билим таълимий ишнинг қандай формалари қўлланади?
4. Технология таълими дарсларининг асосий типларини ифодалаб беринг?
5. Технология таълими дарси қандай асосий босқичлардан иборат бўлиши мумкин?

6. “Таълим методлари” тушунчасини изоҳлаб беринг
7. Таълим методларининг қандай гурухлари бор?
8. Таълим методларини дарс жараёнига қандай йўллар билан танланади?
9. Дарсларда касб танлашга йўллаш ишларининг қандай форма ва методларини биласиз?
10. Оғзаки баён қилиш методлари қандай турларга ажратилади?
11. Кўргазмали методлардан фойдаланишда қандай шартларга амал қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади?
12. Амалий методлардан фойдаланишда қандай усуллар қўлланилади?
13. Амалий машғулотларда билиш фаолияти нечта босқичда ташкил этилади?

Адабиётлар:

5. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Технология таълими ўқитиш методикаси, касб танлашга йўллаш. Дарслик. –Тошкент: ТДПУ, 2014. 389 б.
6. Қўйсинов О.А. ва б. “Меҳнат таҳлими методикаси, касб танлашга йўллаш” фанидан лаборатория машғулотлари. Т.: ТДПУ, 2013. – 168 б.
7. Муслимов Н. ва бошқалар. Касб таҳлими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013. – 128 б.
8. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таҳлими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б

3-Мавзу: Олий таълим муассасаларида технология таълими фанларини ўқитишни инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш

Режа:

1. Режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари. Технология таълими, касб танлашга йўллаш жараёнини режалаштирувчи хужжатлар.
2. Тақвимий мавзули режани тузиш. Ўқув устахоналарида бажариладиган ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш. Фанларнинг ўзаро боғланиш режаси. Дарс режаси ва унинг баён қилиниши.
3. Технология таълими, касб танлашга йўллаш ўқитувчисининг дарсга ва ўқув йилига тайёргарлиги. Асбоб-ускуналарни ишга созлаш, хом-ашё, намуна, кўргазмали қуроллар ва техник воситаларни тайёрлаш.

Таянч иборалар: Режалаштириши, ўқув режса, ўқув дастури, тақвимий мавзули режса, фанлараро бөгланиши, дарс режаси, дарс баёни.

1. Режалаштиришнинг мақсад ва вазифалари. Технология таълими, касб танлашга йўллаш жараёнини режалаштирувчи ҳужжатлар. Технология таълими ва касбга йўллашни режалаштиришдан мақсад ўқув жараёнини аниқ ташкил этишдан иборат бўлиб, у таълимнинг тамойилларига ва ДТС талабларига тўла-тўкис жавоб берадиган бўлиши керак. Технология таълими бошқа умумий таълим фанларидан фарқ қилиб, таълимни ташкил этишда ўзига хос хусусиятга эгадир. Ўқув жараёнини тўғри режалаштириш орқали ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўқув устахоналаридаги машғулотларида технология таълим мининг вазифалари ва мақсадларига, унинг тамойилларига ва ўқувчилар билан ишлашга қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ ҳамма ишларини олдиндан кўриш мумкин.

Ўқув жараёнини режалаштириш ўқитувчининг машғулотларига тайёрланишида асосий ўрин тутади. Ўқитувчининг машғулотларига тайёрланиши икки босқични ўз ичига олади Бу жараён ўқув режса, касб таълимига оид тақвимий мавзули режса ва дастурини ўрганишдан бошланади. Технология таълими ўқитувчиси бу ҳужжатлар билан танишар экан, тегишли синф ўқувчиларида умумий меҳнат билимлари ва амалий қўнималарини қайси касб турлари бўйича ва қандай ҳажмда шакллантириш лозимлигини аниқ тасаввур қиласди. Бунинг учун қандай асбоб-ускуналар, мосламалар ва иш куроллари кераклиги, ўқувчилар технология таълими дастури талабларини тўлиқ бажариш учун дарсларида қандай буюмларни тайёрлашлари кераклигини ва шунга биноан уларни тайёрлаш учун қандай материаллар талаб қилинишини билиб олади.

Ўқув жараёнини режалаштиришда ўқитувчи қуидаги асосий дидактик вазифаларни ҳал қиласди: ўқув жараёнини моддий жиҳатдан ўз вақтида таъминлаш имкони яратилади, хусусан, устахоналарни турли материаллар ва асбоблар билан таъминлаш муддатлари олдиндан маълум бўлади; меҳнат машғулотларининг мазмуни билан бошқа ўқув фанларининг мазмуни орасидаги боғланиш ёритилади; турли устахоналарнинг ўзаро мувофиқ иш олиб боришига эришилади, устахоналардаги машғулотлар жараёнида ўқувчиларнинг ишларини вақт бўйича мослаштириш жуда муҳим бўлиб, моддий таъминот базасидан самарали фойдаланиш; чорак, ярим йиллик ва йиллик якунларини чиқаришда ўқитувчи учун ўқув режасининг бажарилишини назорат қилишни осонлаштиради.

Технология таълим мини ва касбга йўллашни режалаштириш ҳар бир ўқувчининг таълим режаси ва дастурини бажаришини; меҳнат бўйича ўқув

материалы мазмунига тўлиқ жавоб берадиган таълим-ишлиб чиқариш обектларини тўғри танлашни, технология таълими ва касб танлашга йўллаш фанларига оид машғулотларни, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш талабларига мувофиқ равишда самарали йўлга қўйишни таъминлаши керак.

Технология таълими ва касб танлашга йўллашни режалаштирувчи ҳужжатлар ўқув жараёнининг ҳамма томонларини ҳисобга олган ҳолда тузиб чиқилиши керак.

Ўқув режаси. Технология таълими ва касб танлашга йўллашни ташкил этиш ўқув режа асосида олиб борилади. Ўқув режаси - давлат ҳужжатидир. Ҳар бир синфда ўтиладиган фанлар, хафтада неча соатдан ва ўқув йили давомида жами шу синфда неча соат дарс ўтилиши керак эканлиги кўрсатувчи ҳужжат бўлиб, халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Ўқув дастури. Ҳар бир фан бўйича алоҳида-алоҳида мавжуд бўлиб, технология таълими бўйича ўқув дастури бошқа фанлар дастуридан фарқ қиласди. Технология таълими бўйича ўқув дастури ҳар бир синфда ушбу фан бўйича ўқувчиларни қандай билим ва малакалар билан қуроллантириш керак эканлиги, бу малакалар билан қуроллантириш учун қандай иш обектлари танлаш мумкинлиги, уларни бажаришда ишлатиладиган асбоб-ускуналар, техник-технологик маълумотлар ҳажми ва изчиллиги, уларни қандай бўлимларга ажратиб ўрганиш кераклиги, шунингдек, ҳар бир бўлимни ўрганиш учун ажратилган соатлар меёри кўрсатилган бўлиб, Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган бўлади.

Режалаштиришда технология таълими ва касбга йўллаш бўйича тақвимий мавзули режа, меҳнатнинг ҳар бир тури бўйича ўқув ишилаб чиқариш ишларининг рўйхати, технология таълими дарсларини табиий-илмий сиклдаги фанлар билан боғлиқлик графиги ва муайян мавзу бўйича дарснинг батафсил режаси тузилади.

Режалаштирувчи ҳужжатлар		
Технология таълими ўқув дастури	Ўқув режаси	Табиий-илмий сиклдаги фанлар ўқув дастурлари
Ўқув устахонасида қилинадиган ишлар рўйхати	Дарслар бўйича мавзули режа	Технология таълим мининг табиий-илмий сиклдаги фанлар билан боғлиқлик графиги
Тақвимий мавзули режа		
Методик адабиётлар	Дарс режаси	
Дарслик	Конспект	Машғулот

2. Тақвимий мавзули режани тузиш. Ўқув устахоналарида бажариладиган ишлар рўйхатини ишлаб чиқиши. Фанларнинг ўзаро боғланиш режаси. Дарс режаси ва унинг баён қилиниши. Ўқув режаси ва ўқув дастури асосида ҳар бир мактаб ўқитувчиси томонидан маҳаллий шартшароитларни ҳисобга олган ҳолда тақвимий мавзули режа ишлаб чиқилади ва мактаб методик бирлашмаси, педагогик кенгashi муҳокамаси орқали мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Тақвимий мавзули режада ҳар бир бўлимни қандай мавзуларга ажратилаб, улар қандай кетма-кетликда, неча соатдан ва ўқув йилининг қайси қисмларида ўқитилиши белгилаб олинади. Бу мавзулар ўқитишнинг қайси шакл, метод ёрдамида ўргатилиши, ҳар бир мавзуни ўқитишда қайси ишни бажариш, бунинг учун қандай асбоб-ускуналар, хом ашё, техник-технologик ҳужжатлар зарурлиги, шунингдек, ўқитишнинг техникавий воситалари, адабиёт ва методик қўлланмаларнинг қайсилари зарур бўлишини олдиндан қўрсатувчи ҳужжат бўлиб, ҳар бир синф учун ярим ёки бир йилга мўлжаллаб тузилади.

Тақвимий мавзули режани тўлиқ ишлаб чиқиш қўйидаги жадвалнинг барча устунини методик жиҳатдан тўғри ҳал этган ҳолда тўлдирилишини тақозо этади.

№ тартиб	Мавзу ва мавзучалар	Ажратилган соат	Ўқитиш вакти	Дарс методи	Иш обекти	Хом апё	Ўлчов		Асбоб-ускуналар		Жиҳоз ва мосламалар	Техник ҳужжатлар	Фанлараро боғланиш	Техник воситалар	Ишчи касблари	Адабиётлар	Изоҳ
							Ишчи	Хом апё	Ишчи	Хом апё							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	

Бу жадвални тўлиқ тўлдирилиш учун ўқув устахонасида қилинадиган ишлар рўйхати ва технология таълимими табиий –илмий сиклдаги фанлар билан боғлиқлик графиги керак бўлади. Худди шунингдек, дарсларнинг тақвимий мавзули режасини тузиш учун бу рўйхат ва графикнинг ўзи кифоя қилмайди, улар ўзаро бир-бири билан боғлиқдир, чунки қайси мавзуу учун қандай иш обекти танлаш кераклиги ва унинг изчиллигини ёки бошқа фанлардаги мавзуга қайси мавзуни боғлаб ўтиш кераклигини аниқлаш учун

биринчи навбатда технология таълими дарсларида ўтиладиган мавзулар ва уларнинг кетма-кетлигини аниқлаш зарур бўлади. Шу сабабли тақвимий мавзули режани тўлиқ ишлаб чиқиш икки босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқичда ўтиладиган мавзулар номи, уларни ўқитиш кетма-кетлиги, унга ажратилган соат ва ўқитиш вақти аниқланади.

Иккинчи босқичда ўкув устахонада қилинадиган ишлар рўйхати ва технология таълимини табиий-илмий сиклдаги фанлар билан боғлиқлик графиги тузилганидан сўнг қолган устунлар тўлдирилади.

Дарслар бўйича тақвимий мавзули режа ишлаб чиқиш биринчида ҳар бир синф учун ўкув дастуридан боблар учун ажратилган соатлар билан танишиб чиқиш керак бўлади. Тегишли бобларда ўкувчилар учун етказилиши керак бўлган техник маълумотлар ва бажарилиши керак бўлган амалий иш мазмуни белгиланади, ўкув дастуридан дастлаб бобларни, сўнг шу боблар мазмунини қамровчи мавзулар ажратилади.

Мавзуларнинг ўқитилиш тартиби таҳлил қилинади ва ўринли жойлаштириб чиқилади, дастурнинг мавзули режа қисмида боб учун ажратилаган умумий соатлар микдорини мавзуларга мазмuni, ҳажми ва ўзлаштириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаб чиқилади.

Бешинчи устун ўқитиш шакли - ўкувчиларни билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш учун улар қай тарзда ташкил этилганлигини характерлайди. Технология таълимини ўқитишнинг бир неча хил шакллари мавжуд бўлиб, улар мактабдаги таълим-тарбиявий ишлар характеристи, маҳаллий шарт-шароитлар ва таълимнинг умумий мақсад ҳамда вазифаларини ҳисобга олган ҳолда танланади. Ташкилий шакл деганда ўқитувчи томонидан қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган ўқувчилар ўқув-меҳнат фаолиятини ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш усуllibарини тушунмоқ керак. Бу шакллар ҳар бир мавзу мазмуни ва унинг олдига қўйилган мақсадларига кўра танланади. Баъзан биргина дарснинг ўзи 2-3 хил шаклда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Олтинчи устунда ўқитиш методи - ўқитувчи томонидан билим, малака ва кўникма сингдирилиши ва ўкувчилар томонидан бу билим, малака, кўникмаларни ўзлаштиришининг ўзига хос усуllibарини характерлайди.

Еттинчи устунда иш обекти – ҳар бир мавзуни ўқитишда назария билан амалиётининг бирлиги қоидасига амал қилинишини таъминлаш зарур. Шу сабабли берилаётган ишлар бир-бирига мос келиши керак. Бу нарсани нисбий ҳал этишда ўкув устахонада қилинадиган ишлар рўйхатидан фойдаланилади. Биринчи иш обектини қайси мавзуни ўқитишдан бошлаб қайси мавзуни ўқитишда тутатилиши керак эканлигини аниқлаб, сўнгра

бунинг учун ажратилган вақтларни ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади. Бунда ҳар бир дарсда кириш инструктажи ва бошқа ташкилий ишлар учун сарфланадиган вақтлар ҳисобга олиниши керак.

Саккизинчидан ўнинчи устунларда танланган, иш обектини тайёрлаш учун қанақа хомашё (аниқ тури, ўлчамлари) кераклиги, қандай ўлчовларни бажариш ва ишлов бериш учун қандай асбоблар, технологик карталар зарур эканлиги кўрсатилади.

Ўн биринчи устунда жиҳоз ва мосламалар, иш бажаришда фойдаланиладиган дастгоҳлар ёки қурилмалар кўрсатилади.

Ўн иккинчи устунга техник хужжатлар, дастгоҳлар ёки қурилмаларнинг паспортлари ёки бошқа техник хужжатлари киритилади.

Ўн учинчи устунда фанлараро боғланишлар кўрсатилади, технология таълимининг табиий-илмий сиклдаги фанлар билан алоқадорлиги графигига асосланган ҳолда ҳар бир мавзуни бошқа фанлардан ўрганилган қайси бўлимнинг қайси мавзусига боғлаб ўтиш мумкинлиги олдиндан режалаштирилади.

Ўн тўртинчи устунда ўқитишининг техникавий воситалари – тегишли мавзуни ўргатишда ЎТВнинг қайи тури қўлланиши мумкин эканлиги (шароитни ҳисобга олган ҳолда) кўрсатилади.

Ўн бешинчи устунда мавзуга тааллуқли ишчи касблари ва касбкорлик хақида маълумот берилади.

Ўн олтинчи устунда ўқитувчи ва ўқувчи ушбу мавзу мазмуни билан қайси адабиёт ёки қўлланманинг қайси бети, неchanчи параграфида танишиш мумкинлиги аниқ кўрсатилади.

Ўн еттинчи устунда изоҳ берилиши мумкин, бирор сабабларга кўра ўқув дастури ёки тақвимий мавзули режада ўзгариш содир бўлиб қолса, дастурнинг бажарилишига оид кўрсатмалар ва бошқа изоҳлар берилиши мумкин.

Ўқув устахоналарида бажариладиган ишлар рўйхатини ишлаб чиқиши. Ўқув устахонасида қилинадиган ишлар рўйхати – ҳар бир синфда ўқув йили давомида қандай ишларни бажара олиш имконияти мавжудлигини олдиндан аниқлаш, бу ишларни бажаришда назария ва амалиётнинг бир-бирига мутаносиблигини амалга ошириш ҳамда уларни қандай кетма-кетликда бажариш кераклигини кўрсатувчи ҳужжат бўлиб, ҳар бир мактаб ўқитувчиси маҳаллий шарт-шароитлар, тушган буюртмалар, ўқув дастурида кўрсатилган иш обектларининг намунавий рўйхатини ҳисобга олган ҳолда тақвимий мавзули режага соланиб ишлаб чиқади ва мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Ўқув устахонасида қилинадиган ишлар рўйхати ва тақвимий мавзули режа бир вақтда тузилади. Ўқув устахонасида қилинадиган ишлар рўйхати бу ишлар ўқувчилар томонидан дарс давомида бажариладиган бўлганлигини учун ўқувчилар йил давомида қанча вақт амалий иш билан машғул бўлишларини аниқлашдан бошланади. Бунинг учун ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган тақвимий мавзули режани таҳлил этилиб, қуйидаги саволлар аниқлаштирилади: Қайси мавзуларни ўқитишида ўқувчилар амалий иш бажармайдилар масалан, назарий дарсларда, “Ёғочларнинг тузилиши ва уларнинг хоссалари”, “Токарлик винтқирқар станогининг умумий тузилиши ва ишлаш принсипи”, “Корхоналарга экспурсия” ва х.к.

Амалий соатларнинг умумий йифиндиси аниқланади. Ҳар бир амалий машғулотда ўқитувчи дарснинг ташкилий қисми ва кириш инструктажи ҳамда дарсни яқунлаш учун ҳар бир дарснинг 1\4 қисми, яъни 25%гача сарфлаши керак. Юқоридаларни ҳисобига олган ҳолда ўқувчиларнинг ўқув йили ёки чораги даврида тегишли бўлим бўйича амалий ишларни бажаришлари учун қанча вақт ишлашлари аниқланади.

Фараз қилайлик, бириктирилган синф бўйича ёғочларга ишлов бериш учун X соат режалаштирилган, Шулардан Y соатида фақат назарий дарслар тўғри келадиган вақт. Амалий машғулотлар учун X-Y соат вақт қолади. Ўқувчиларнинг амалий ишлар билан банд бўладиган соф соатлари қуйидагича бўлади.

$$(X-Y) * \frac{3}{4} \text{ соат} \leftrightarrow (X-Y) * \frac{3}{4} * 45 \approx 34 * (X-Y) \text{ мин}$$

Демак танлаган бўлим бўйича режалаштириладиган ишларни ўқувчилар $(X-Y) * \frac{3}{4}$ соатда бажара оладиган бўлишлари керак.

Бу амалий ишда бажарилиши зарур бўлган иккинчи топшириқ тегишли синфда қандай иш обектларини бажариш мумкинлигини аниқлашдан иборатdir.

Ўқув дастурида ҳар бир синфда ҳар бир бўлим бўйича бажариш учун тавсия этилган бир қанча иш обектларининг тахминий рўйхати келтирилган. Бундан ташқари, мактабга тушган буюртмалар, мактаб эҳтиёжи учун керакли бўлган иш обектлари ҳам бўлиши мумкин. Бу иш обектларини синфлар бўйича режалаштиришда ҳар бир синфда ўрганилган мавзу, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган операциялар иш турлари ҳамда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади, юқоридаги иш обектлари ўқув дастури талабларига мос келса, биринчи навбатда мактабга тушган буюртма ва мактаб учун зарур бўлган иш обектлари режалаштирилади.

Горизонтал графага тегишли синфгача ва ушбу синфда ўқувчилар қандай иш турларини ўрганишлари дастурида кўрсатилган бўлса, барчаси бирор иш

обектини бажариш кетма-кетлигига ёзиб чиқилади. Иккинчи вертикал устунга режалаштирилган иш обектлари осондан қийинга томон ёзиб чиқилади. Ҳар бир иш обектида қайси тури қатнашадиган бўлса, қалам билан плюс (+) белгиси қўйиб чиқилади. Энг кам иш турлари қатнашадиган иш обекти биринчи поғонага, қўп қатнашадигани эса иккинчи, учинчи ва ҳоказо кетма-кетликда жойлаштириб чиқилади. Мазкур синф ўқувчилари тегишли иш обектидаги операцияларнинг ҳар бирини бажариш учун сарфланадиган вақтларни минутлар ҳисобида ифодалаб плюс белги ўрнига ёзиб чиқилади. Ҳар бир иш обектини бажариш учун қанча вақт сарфлаш ундаги операциялар учун сарфланаётган вақтлар йифиндиси teng бўлади.

Ўқувчиларнинг бевосита амалий иш билан машғул бўладиган вақтлари аниқланади.

X - 14 соат

$$(X-Y) * \frac{3}{4} = (14-6) * \frac{3}{4} = 6 \text{ соат} = 6 * 45 = 270 \text{ мин}$$

Y - 6 соат

Демак, иш обектларини шундай танлаш керакки, бунда юқоридаги иш турларининг барчаси қатнашсин ва уларни 6 соат ичида ўқувчи бажара олсин.

Бунинг учун юқорида кўрсатилган 17 та иш обекти кўплик қиласи. Улардан кераклисими танлаб олиш имконияти бор (етишмаса, қўшиш ҳам мумкин). Бу иш обектларида қайси ишлар қатнашишини аниқлаш учун қуидаги жадвал тўлдирилади.

№	Иш обекти	Иш турлари									
		Хом ашё тайёрлаш	Режалар	Кўндалангига арралаш	Узунасига арралаш	Рандалаш	Мих билан ишлаш	Бурама мих билан ишлаш	Клей билан ишлаш	Пармалаш	Жилвирлаш
1.	Плакат учун рейка	+	+	+	-	+					

2.	Таглик тахта	+	+	+	-	+	+					
3.	Болалар куракчаси	+	+	+	+	+	+			+	+	
4.	Уй модели	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+
5.	Автомобил модели	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+	+

Демак, 270 мин ёки 6 соатлик амалий иш жараёни учун охирги 3 та иш обекти етарли экан (бу танланган обект тузилишининг содда ёки мураккаблигига ҳам боғлиқ, шунинг учун унинг хомаки чизмаларини ҳам тайёрламоқ зарур).

Шу тартибда ҳар бир бўлим учун ўқув устахонасида қилинадиган ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш тавсия этилади.

Фанларнинг ўзаро боғланиш режаси. Технология таълими дарсларини табиий-илмий сиклдаги фанлар билан боғлиқлик графиги – ҳар бир мавзу мазмуни ёритишида унинг моҳиятини ўқувчилар томонидан чуқур, илмий асосланган ҳолда тасаввур этишлари, вақтдан унумли фойдаланиш, назарий билимларини амалда, ҳаётда ва ишлаб чиқаришда қўллаш имкониятларини кенг ёритиш, уларнинг политехник тушунчаларини кенгайтириш мақсадида ўқитувчи томонидан тузилади ҳамда у тақвимий мавзули режада ўз ифодасини топади.

Таълим жараёнини режалаштирувчи бу ҳужжатда мактабда ўқитиладиган технология таълими фанининг физика, математика, химия, чизмачилик ва бошқа фанларнинг ўзаро боғланишлар очиб берилади. Таълим жараёнида фанлар ўртасидаги боғланишлар катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда мактабда ўқитиши ўқувчиларга мустаҳкам билим, меҳнат кўникамалари ва малакаларини беришдан ташқари, уларнинг ўрганилаётган ҳодисаларга чуқур ва ҳар томонлама ёндошишларини, олган билимларидан ишлаб чиқариш ва меҳнат ҳодисаларини илмий асосда тушунтириб бериш, мустақил равишида билимларга эга бўлиш учун фойдалана олишларини таъминлаши керак.

Технология таълими, мактабда ўқитиладиган фан сифатида, ўқувчиларнинг умумий таълим фанларидан олган билимларини амалда қўллашни ўрганишлари учун чексиз имкониятлар яратиб беради. Таълимни тўғри йўлга қўйиш орқали ўқувчиларга табиат қонунлари билан уларнинг турмушда намоён бўлиши ўртасидаги обектив мавжуд бўлган боғланишларни кўра билишларига ёрдам бериш зарур. Масалан, ўқувчилар

физика курсида қаттиқ жисмларнинг хоссаларини, куч, масса, тезлик, ишқаланиш ва ҳоказоларни ўрганадилар. Бу вақтда агар улар ўкув устахоналарида ишлов бериладиган металларнинг физикавий-механик хоссаларини ва тузилишини билмасалар, агар улар ишлов берилаётган материалга қараб, уларни қирқиувчи асбобнинг тўғри ўлчовини танлай олмасалар, агар улар машинадаги деталларнинг ишқаланишини қандай йўл билан камайтириши ва ҳоказоларни билмасалар, уларнинг илгари олган билимлари юзаки бўлиб қолади. Ўқитувчи ўкув материалининг ўқувчиларнинг табиий-илмий сиклдаги фанлардан олган билимлари билан мустаҳкам боғлиқ бўлган қисми бўйича тайёр билимларни етказишга ҳаракат қилмайди. Мехнат ўқитувчиси сухбат ўтказиш усули билан ўқувчилар қаттиқ жисмларнинг хоссаларини, ишқаланиш турларини (физика), кўп қиррали бурчакларнинг хоссаларини (геометрия), аралашмалар, эмулсиялар ва минерал ёғларнинг (кимё) ва ҳоказоларнинг хоссаларини қандай ўзлаштириб олганликларини аниқлайди ва ана шу фанлардан олинган билимлар асосида уларга ишлов берилаётган металларнинг тузилишини ва қирқиши жараёнини, қирқиши асбобларининг чархлаш бурчакларини ва ишланаётганда детални совутиш учун ишлатиладиган суюқликнинг таркиби ва хоссаларини, деталларнинг дастгоҳдаги ишқаланувчи юзаларини ва уларга машина мойи суриш йўли билан ишқаланиши камайтириш усулларини тушунтириб беради. Бироқ фанлараро алоқа бир томонлама жараён эмас. Умумий таълим фанларидан дарс берувчи ўқитувчилар ўқувчиларнинг меҳнат бўйича олган амалий тажрибаларидан ўрганилаётган табиат қонунларини чуқурроқ тушунишлари учун фойдаланишлари лозим.

Фанларнинг ўзаро боғланиш режасини ишлаб чиқишида умумий таълим фанларидан технология таълими, физика, математика, кимё, биология, чизмачилик ва ҳоказо фанлардан дарс берадиган ўқитувчилар иштирок этади. Уларнинг ҳар бири ўз фанининг мазмунини синчиклаб таҳлил қилиш асосида ўқув материалининг бошқа фанлар билан боғланишига оид аниқ мисоллар таклиф этади, бу таклифлар муҳокама қилиниб, аниқланиб ва зарур бўлса тўлдирилиб фанларнинг ўзаро боғланиш режаси жадвалига киритилади, унда ҳар бир фанга оид у ёки бу мавзуни ўрганиш муддатлари кўрсатилади.

Фанларнинг ўзаро боғланиш режасини муваффақиятли амалга ошириш ўқувчиларнинг меҳнат бўйиса тайёргарлигининг юқори сифатли бўлишинигина эмас, шу билан бирга уларнинг умумий билим доирасининг ҳам кенг бўлишини таъминлади.

Дарс режаси ва унинг баён қилиниши. Дарс режаси асосий ўқув-режалаштириш ҳужжатларидан бири бўлиб, уни ўқитувчи ўқув дастури ва

тақвимий мавзули режа асосида тузади. Унда дарснинг таълим-тарбиявий мақсадлари, ўқитиши ва тарбиялаш масалалари кўрсатилади ҳамда дарснинг таркиби ва босқичлари, ҳар бир босқичга ажратилган вақт, ўқитувчи томонидан изоҳланадиган ўқув материалининг кетма-кетлиги ва мазмuni, мустақил ишларнинг ҳарактери ва мазмuni, уй топшириғи ва бошқалар ифодаланади.

Танланган шакл ва методлар асосида машғулотни қандай ташкил этиш, унинг тузилиши ва мазмuni қандай изчилликда амалга оширишини кўрсатувчи хужжат бўлиб ўқитувчи томонидан ҳар бир машғулот учун алоҳида-алоҳида тузилади ва мактаб ўқув ишлар бўйича директор ўринbosари томонидан ҳар бир машғулотдан олдин тасдиқланади. Дарс режасининг тузилиши назарий машғулот, амалий машғулот, аралаш ва экскурсия машғулотлари бўйича бир-биридан кескин фарқ қиласди.

Дарс режасининг асосий мақсади ўқитиши жараёнини тўғри режалаштиришга ва унинг самарадорлигини оширишга ёрдам беришдир. Дарс муваффақиятли ўтиши учун уни ташкил этиш бўйича ўқитувчи фаолиятининг мақсадини аниқлаш лозим.

Дарс режаси ва унинг баён қилиниши ўқитувчининг дарсга тайёрланганлигини кўрсатувчи хужжатлар. Дарснинг баёни дарс режасида кўрсатилган изчилликда ёзилган бўлиб, унда ўқувчиларга етказилиши зарур бўлган асосий тушунчалар, схема ва чизмалар ҳамда эсда сақлаб қолиш нисбатан қийин бўлган маълумотлар акс эттирилади. Бунда ўқув дастурида кўрсатилган меёридан четга чиқиб кетмаслик талаб этилади.

Дарснинг баёни дарслик ва методик адабиётлар, ҳамда ўқитувчининг тажрибалари асосида ёзилиб, дарс режаси билан бир вақтда мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича муовини томонидан тасдиқланади ва ўқитувчи дарс режаси ва конспекти билан дарсга киради.

3. Технология таълими, касб танлашга йўллаш ўқитувчисининг дарсга ва ўқув йилига тайёргарлиги. Технология таълими ўқитувчиси дарсларга пухта тайёргарлик кўрсагина, бу дарслардаги таълим-тарбия жараёни муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Ўқув йили бошланиши олдидан ўқитувчи дастурдаги ҳамма мавзуларни ўрганиш вақтини тақсимлаб чиқади, ўқув машғулотларининг жадвали ва мазкур фанни ўрганишга ўқув режасидан ажратилган ҳафталик соатларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда унга мувофиқ бўлган тақвимий муддатларни ўрнатади. Технология таълими, касб танлашга йўллаш ўқитувчисининг ўқув йилига тайёргарлиги ўқув режасини, технология таълими ва касбга йўллаш фанининг ўқув дастурини ва тақвимий мавзули режани ўрганишдан бошланади. Технология

таълими ва касбга йўллаш ўқитувчиси бу хужжатлар билан танишар экан, тегишли синф ўқувчиларида умумий меҳнат билимлари ва амалий кўникмаларини қайси меҳнат турлари бўйича ва қандай ҳажмда шакллантириш лозимлигини аниқ тасаввур қиласди. Бунинг учун қандай асбоб-ускуналар, мосламалар ва иш қуроллари кераклиги, ўқувчилар технология таълими ва касбга йўллаш дастури талабларини тўлиқ бажариш учун дарсларда қандай буюмларни тайёрлашлари кераклигини ва шунга биноан уларни тайёрлаш учун қандай материаллар талаб қилинишини билиб олади. Меҳнат ўқитувчи олинган маълумотлар асосида ва технология таълими дастуридан фойдаланган ҳолда анча батафсил режалаштирувчи хужжатларни, яъни тақвимий мавзули режани ва ўқув ишлаб чиқариш ишлари рўйхатини тузиб чиқади. Шундай тарзда белгилаб чиқилган дастур ўқитувчи учун фан юзасидан ишларнинг тақвимий мавзули режаси сифатида хизмат қиласди.

Ўқувчилар тайёрлаши учун режалаштирилган буюмларга технология таълими ўқитувчи техникавий хужжатлар ишлаб чиқади, зарур қўргазмали қуроллар тайёрлайди, асбоб-ускуналарнинг, ўқувчилар иш жойи ва иш қуролларининг техникавий ҳолатини, шунингдек, ўқув устахоналари биносининг ва улардаги жиҳозларнинг хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена талабларига мувофиқ келиши текшириб чиқади.

Ўқитувчи технология таълими дастуридаги мавзуларга тайёрланар экан, ҳар бир мавзунинг мақсади ва вазифаларини белгилайди, улар бўйича билим ва кўникмалар мазмuni ва даражасини аниқлади, ўқувчилар бажариш лозим бўлган амалий ишларнинг характеристири ва миқдорини белгилаб чиқади, мустақил топшириқларнинг мазмунни ва ҳажмини, уларнинг тобора мураккаблашиб боришини ҳисобга олган ҳолда ўйлаб кўради, мавзуни муваффақиятли ўтиш учун моддий асос тайёрлайди.

Дарсга тайёрланиш вақтида ўқитувчи ўтган машғулотнинг мазмуни ва натижаларини таҳлил қилиши, уларнинг изчил алоқасини белгилаб чиқиши, келгуси дарснинг таълим ва тарбия мақсадини тўғри белгилаши, дарснинг тузилишини ва унинг ҳар бир элементига ажратиладиган вақтни аниқлаши, мавзуга оид саволлар тузиши ва кириш йўриқномаси мазмунини ишлаб чиқиши, асосий меҳнат усууларини танлаши ва ўйлаб чиқиши керак.

Технология таълими ўқитувчи машғулотга тайёрланиш жараёнида дарснинг ташкилий томонларига - навбатчиларни тайинлаш, ўқувчиларга асбоб ва материаллар тарқатиш, ўқув устахоналарида тартиб-интизомнинг қатъий сақланишига, ишларга баҳо қўйиш ва уларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор бериши керак.

Замонавий дарснинг таркибий тузилиши ўқитувчиларнинг бошқарувчилик роли ва ўқувчиларнинг англаш фаолиятларини ташкил этишининг ўзига хослигини акс эттира туриб, жуда ҳам турли-туман шаклдалиги билан фарқ қиласди. Дарснинг муваффақиятли ўтиши ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг дарсга тайёрланишларига боғлиқдир.

Дарсга миридан-сиригача тайёрланиш, хусусан етарли даражада педагогик иш тажрибасига эга бўлмаган ёш ўқитувчилар учун жуда зарур.

Ўқитувчининг дарсга бевосита тайёрланиши ҳар бир дарсда кўлланиладиган мавзуни режалаштиришни конкретлаштиради. Дарснинг режаси ҳар бир ўқитувчи учун зарурдир. Одатда фақат унинг ҳажми фарқ қиласди: эндинга ўзининг ўқитувчилик фаолиятини бошлиётганлар ўзларининг ҳамма ҳаракатлари ва дарснинг боришини тасвирлаш, кичик бўлакларигача кўрсатилган мукаммал ишланма ёзадилар. Тажрибали ўқитувчилар эса қисқа, ихчам режа тузадилар.

Дарснинг режаси ихтиёрий шаклда тузилади, аммо унда қуидаги таркибий қисмларнинг акс этишини таъминлаш зарур: дарснинг ўтказилиш муддати ва унинг мавзуй режа бўйича тартиб рақами; ўтказиладиган синфнинг, дарс мавзусининг номи; таълимнинг вазифалари, шакллантириладиган билим, иқтидор ва қўникмалар; ўқувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш; дарс босқичларининг давомийлиги ва ушбу босқичларда вақтнинг тахминий тақсимланишини кўрсатган ҳолдаги таркибий тузилиши; ўқув материалинииг мазмуни; дарснинг ҳар бир қисмида ўқитувчи ва ўқувчининг иш усуллари ҳамда методлари; таълимнинг кўргазмали ва техник воситаларини қўшиб ҳисоблаганда дарсни ўтказиш зарур бўлган ўқув қуроллари; дарсда бевосита ўтказиладиган тест синовлари; уй вазифалари, топшириқлар.

Дарснинг ютуги ва унинг натижалари нафақат ўқитувчининг тайёрлигига, балки ўқувчиларнинг тайёргарликларига ҳам боғлиқ бўлади. Ўқувчиларнинг навбатдаги дарсга (ёки дарсларга) маълум мақсадга йўналтирилган тайёрланишлари уларда ижобий психологик кайфиятни вужудга келтиради, англашга, билишга бўлган юқори даражадаги қизиқишни туғдиради. Ўқувчиларни олдинда турган дарсларга тайёрлашда қуидагиларни назарда тутади: уларни олдинда турган дарснинг дастурий ўрганиш режаси билан танишириш; (бу хусусан юқори синфлар билан ўқув ишларида жуда ҳам зарурдир) ўқувчиларнинг тушуниши мумкин бўлган дарсларнинг айrim бўлимлари билан танишиш; олдинда турган дарсда кўтариладиган масалалар юзасидан илмий-оммабоп адабиётларни ўқиш, янги материални ўрганишга

кўмаклашадиган кузатишлар ва унча мураккаб бўлмаган тажрибаларни ўтказиши.

Дарс ҳозирги замон ўқув тарбия жараёнида таҳсил мақсадларини амалга оширишда асосий таълими шакли ҳисобланади. Бир неча асрлар давомида таълимнинг дарс шаклидан бошқа бир янги шаклини педагогика назарияси ҳам, амалиёти ҳам таклиф этганча йўқ.

Ўтказиладиган дарс ўқувчиларни ҳам, ўқитувчиларни ҳам қаноатлантириш учун маълум даражада умумий талабларга жавоб бериши керак. Айрим олинган бирон-бир дарс фаннинг тақвими мавзули режасида ўз ўрнига эга бўлиши, мақсади аниқ белгиланган бўлиши керак. Дарс ўтиш жараёнида шакллантирилини лозим бўлган билим, иқтидор ва қўникмалар алоҳида аниқланиши даркор. Шу билан бирга мазкур дарс давомида билим, иқтидор ва қўникмаларнинг эришиладигаи даражаси ҳам белгиланиши маъқул бўлади. Дарсда ишлатиладиган методлар, воситалар туркуми аниқ бўлиши олдиндан белгиланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсга қўйиладиган дидактик талаблардан яна бири шуки, бериладиган ўқув материали системали равишда осондан-қийинга, оддийдан- мураккабга, ўқувчилар ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиш керак.

Ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўрар экан, ўқувчилар ўқув фаолиятини активлаштирувчи ижодий фикрлаш қўникмаларини шакллантиришнинг муқобил режаларини амалга оширишни кўзда тутмоғи лозим. Ҳар бир дарс маълум даражада ғоявий йўналган аниқ тарбиявий вазифаларни бажариши, олинган илмий библиялар асосида дунёқарашни, юқори ахлоқий фазилатларни, эстетик дидни шакллантириб таълимни хаёт билан мустақил алоқаларини таъминлаши зарур. Ўқувчиларда билимга қизиқиши, билимларни мустақил эгаллаш қўникмаларини қарор топтириш, ижодий ташаббускорликни кўллаб-қувватлаш, уларнинг тасаввурлари чуқурлиги, ривожланиш даражасини ҳисобга олиш кераклигини ўқитувчи дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳисобга олиши керак.

Дарсга тайёргарлик кўришда уни ташкил этишни аниқ режалаштириб олиш керак талаблар: тақвими мавзули режа асосида дарс ўтказишнинг ишлаб чиқилган аниқ режаси мавжуд бўлиши, дарс ўз вақтида бошланиб, ўз вақтида тугаши керак. Дарснинг мантиқий изчиллиги, тугалланганлиги ва дарснинг бошидан то охиригача ўқувчилар онгли интизоми таъминланмоғи лозим. Дарсни ташкил этишда турли-туман воситалардан, ўқув-техник, компьютер, стационар ва динамик кўргазмали қуроллардан фойдаланиш кўзда тутилади.

Дарснинг таркибий тузилиши ўрганилаётган материалнинг мазмунига, дарсда фойдаланиладиган таълимнинг усуллари ва методларига, ўқувчиларнинг тайёрланиш ҳамда ривожланиш даражасига, ўқув жараёнида дарснинг ўрнига боғлиқ бўлади.

Технология таълими ўқитувчиси дарсга тайёрланишида қуидагиларни хисобга олиш зарур:

- Дарснинг мақсади:

а) дарснинг таълимий мақсади: ўқувчиларда янги атамаларга оид тушунчаларни шакллантириш;

б) дарснинг тарбиявий мақсади: ўқувчиларда илмий дунёқарашни шакллантириш;

в) дарснинг ривожлантирувчи мақсади: ўқувчиларнинг тасаввури, хотираси, кузатувчанлиги, тафаккури, нутқи, ўқув жараёнида қўникма, ўқув ва малакаларини шакллантириш ва уларни ривожлантириш.

- Дарс материалининг мураккаблик даражасини аниқлаш: дарс материалининг амалиёт билан ва олдинги ўтилган материаллари билан бевосита боғланишини аниқлаш, ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун вазифа бериш дарс жиҳозини тайёрлаш, қўшимча бериладиган топшириқлар ҳажмини аниқлаш;

- Дарснинг дидақтик вазифасини, яъни мақсадга олиб келувчи масалаларнинг кетма-кетлигини аниқлаш.

- Ўқитиш усулларининг оптимал вариантларни танлаш.

- Дарснинг тузилишини аниқлаш: дарсни самарали бошлаш ва вақтни тўғри тақсимлаш, дарснинг режаси ва яхлитлигини, ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятининг ўзаро узвийлигини таъминлаш.

Дарслар жуда ҳам турли-туман таркибий тузилишларга эга бўлиб, дарсларни бир марта доимий равишда мавжуд бўладиган кўриниш тарзида режалаштириш ва ўзгармайдиган қотиб қолган намуна асосида ўтказавериш мумкин эмас. Дарснинг таркибий тузилишига юқорида қайд этиб ўтилган омиллар қаторида мазкур синфда ишлашнинг ҳаққоний шарт-шароитлари, шунингдек, ўқитувчи иш фаолиятининг ижодий характеристи катта таъсир кўрсатади. Ҳар бир дарс бошқа дарслардан ҳатто улар битта фан, битта мавзу юзасидан тенг, ёнма-ён синфларда ўтказилганда ҳам ўзининг ўзига хос жиҳатларига кўра фарқ қиласди. Дарсда ҳар доим ўқитувчининг маҳсус «педагогик ёндошув тарзи»ни кўриш мумкин.

Асбоб-ускуналарни ишга созлаш, хом-ашё, намуна, кўргазмали қуроллар ва техник воситаларни тайёрлаш. Ўқув устахоналарида машғулотларни яхши ташкил этиш, уларни ўтказишнинг тўғри методикасини

кўллаш, ўқувчилар томонидан техникавий билимлар, меҳнат малакалари ва кўникумлари муваффақиятли ўзлаштирилиши учун ўкув устахоналарнинг жиҳозланиши техниканинг ҳозирги даражасига, юксак меҳнат маданиятига мувофиқ келиши ва уларда технология таълими дастурининг барча мавзуларини ўрганиш учун шарт-шароитлар яратилган бўлиши лозим.

Технология таълимининг асосий дарслари назарий ва амалий машғулотлардан иборат. Ўқувчилар технология таълимининг назарий асосларини ўзлаштиришлари учун тахминан 20 % ўкув вақтини сарфлашга режаланади. Уйда ва меҳнат кутубхонасида мустақил равишда ҳар бир мавзунинг назарий асосларини ўзлаштиришлари лозим. Бу ҳолатни илмий жиҳатдан аниқлашда технология таълими ўқитувчиси учун мактаб кутубхонаси ва тегишли замонавий техник-технологик, умумий таълим фанларга, фан-техникага оид журналлар ва бошқа манбалар рўйхати, интернет ва қўлда тайёрланган моделлар, мосламалар, дидактик материаллар, ахборотномалар, ўқувчиларга мўлжалланган кичик тўпламлар қўшимча манба бўлиб хизмат қиласди.

Ўқитувчи устахоналарда мавжуд бўлган станоклар, асбоб-ускуналарни дастгоҳларни, мосламаларни таъмирлаб, амалий ва лаборатория дарсларига тайёрлаб қўйиши, амалий иш обектлар учун хом ашёлар тўплаш, эскизлар, чизмалар, технологик хариталар ишлаб чиқиши лозим.

Ўқувчилар тайёрлаган буюмларни, ишларни якунлаган ҳолатини назорат этишга қаратилган саволлар, тестлар, намуналарни ишлаб чиқиши дарсга тайёргарликни ташкил этади.

Сўнги йилларда технология таълими жиҳозлари рўйхати таълимининг янги воситалари ҳисобга сезиларли кенгайди ва ҳозирги кунда 400 номдан иборат. Булар 220 ҳар хил турли асбоблар, мосламалар, станоклар, 16 хил приборлар, 30 хилдан ортиқ моделлар ва уларнинг қисимлари, 14 хил тўпламдаги жадваллар ва плпкатлар, 120 дан ортиқ экран воситалар ва қўлланмаларидан иборат. Бунинг ҳаммаси технология таълимининг политехник йўналишини кучайтириш, ўқувчиларга техника, технология, иқтисодиёт ва ҳозирги замон ишлаб чиқаришни ташкил асосларини чуқурроқ ва тўлиқроқ очиб бериш, улардан ҳар турли материалларга механик ишлов беришнинг дастлабки кўникумларини эртароқ шакллантириш заруратидан келиб чиқсан.

Педагогик нуқтаи-назардан ўқув-моддий таъминот ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва сифатини оширишга, таълимнинг политехник ва касбга йўналтирувчи жиҳатларни тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга замин яратиши керак. Ўқувчиларга таълим воситалари орқали бериладиган ахборот

илмий жиҳатдан түғри бўлиши, ўқувчиларнинг тайёргарлик даражасини оширишга имкон бериши лозим.

Иқтисодий жиҳатдан ўқув-моддий база мақсадларни меҳнат ўқув-тарбия жараёни сифатига зарар етмайдиган ҳолда амалга ошириш имконини берадиган ўқув жиҳозларидан тўлиқ фойдаланишга қаратилган бўлиши зарур.

Ўқув-кўргазмалар ва ўқув жиҳозлари таркибида, одатда камёб ва қимматбаҳо материаллар бўлмаслиги, уларни тайёрлаш асоссиз равишда ортиқча ҳаражатлар талаб қиласлиги ва оммавий равишда мактаблар сотиб олиш имконига эга бўлиши керак. Иқтисод нуқтаи-назаридан ўқув жиҳозлари устида ўқитувчилар ва ўқув усталари ишлашлари лозим.

Умумий таълим мактаблари шароитида ўқувчиларнинг меҳнат ва касб-хунарга йўналтириш сифатини яхшилаш ҳамда такомиллаштириш учун ўқув устаҳоналари ва лабораторияларида ҳар бир киритилган касб ва ихтисосликларнинг асбоб-ускуналарини, мосламаларини ишга созлаш, таъмираш ҳамда қайта тайёрлашни ташкил этиш ва уларнинг методикасини ҳал қилиш ахамиятга эга. Чунки ўқувчилар худди ана шулар орқали техник-технalogik операцияларни бажариш асосий фаолиятларига йўналтирилган. Шунингдек, технология таълим мининг ҳар бир йўналиши бўйича асбоб-ускуналарни ишга созлаш учун ўқувчилар энг аввало қўллайдиган асбоб-ускуналарни тузилишини мукаммал ўрганишлари зарур.

Асбоб-ускуналарни ишлатиш ва уларни қўллашга созлашни асбоб-ускуналар ва мосламалар юзасидан бажарилади:

- 1) Турлари, тузилишлари, хусусиятларини ўрганиб мавжуд камчиликларни бартараф этиб ишга созлаш;
- 2) Қўлланишлари, қўлланиш усуллари ва технологиясини ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиб иш обектларга созлаш;
- 3) Тайёрлаш технологияси стандартлар, сифат белгиларни ўрганиб мавжуд камчиликларни бартараф этиб, станок машинага қўллаш;
- 4) Тайёрлашда қўлланиладиган усуллар, операциялар, асбоб-ускуналар, мосламалар, станокларни ўрганиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиб мослаштириш; Ишчилар мутахассисларни қайта тайёрлаш, малака ошириш;
- 5) Тайёрлашда ишлатиладиган, материаллар, технологияси, сифатларини яхшилаш.

Технология таълими назарий ҳамда амалий машғулотларида ўқувчиларни қўлланиладиган хом-ашёлар ва намуналар билан таништириш ҳамда фойдаланиладиган методикасини ёритиш ўзига хос ўрин эгаллаган. Технология таълими йўналишлари бўйича жорий этилаётган ташкилий,

методика ва бошқа масалалар қаторида моддий-техник база, айниқса хом-ашё ва намуналар билан таъминлаш энг мураккаб ва долзарб муаммодир. Ўқувчилар буни инобатга олишлари билан бирга мавжуд имкониятлардан хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ёғоч ишлов беришда амалий ташкилот ҳамда ёғочсозлик корхоналаридан асосий маҳсулоти (ешик, ром, иморацозлик деталлари ва бошқа буюртмалардан ортиб қолган бўлаклар, қириндилар, баҳор ва куз даврларда дараҳтларни калталаш ҳолатида пайдо бўлган саржинчалар ва кўзсиз думалоқ бўлаклар - ёғочсозлик меҳнати учун хом-ашё тарзда қўлланиши энг оммавий тажриба ҳисобланади, улардан технология таълими жараёнида турли буюмлар (болға ва исканалар учун дасталар, сабзавот тўғрайдиган тахталар, ёғоч ғўласининг арраланган намуналари, елимланган ёғоч ваза ва ҳоказо) тайёрланиб ижтимоий фойдали меҳнат маҳсулотларга айланади.

Технология таълимида ўқувчиларни хом-ашёлар билан таништириш, шунингдек, уларни назарий ҳамда тарихий маълумотлар билан ҳам таништириш, фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган намуналар (деталлар, механизмлар, станоклар, техник-технологик жараёнлар хариталари, қоғоз-картонлардан тайёрланган макетлар) кенг қўланилмоқда.

Металларга ишлов беришда оталиқ ташкилот ҳамда металсозлик корхоналарида асосий ишлаб чиқаришда тайёрланадиган маҳсулотлар жараёнида ортиб қолган чиқиндилар: тунука, қуйма ва бошқа қолдиқлар, металсозлик ишларида пайдо бўлган парчинлар, брак ҳолига келган турли шаклдаги деталлар, бериш технология таълимида металга ишлов учун хом ашё сифатида қўлланилади. Шу билан бирга металларни қирқиши жараёнида шу тариқа йиғилган метал чиқиндилари ҳам хом-ашё бўла олади. Улардан технология таълими дарсларида металдан тайёрлаган ўйинчоқларнинг бузилган қисмлари, симлар ҳам технология таълими дарсларида асбоблар, макетлар, моделлар ясаш мумкин. Улар турли шаклдаги деталларни штангенсиркул билан ўлчаш, назорат ишларни бажариш учун меҳнат обекти вазифасини бажаради.

Металлардан танлаб олинган швейлерсимон деталлар пармалаш операцияларини бажаришга тайёрланади. Шундан ўқувчилар тушунадиларки, ташландиқ деталлардан (қайси шаклда бўлмасин) ҳам ўқув ишларини бажаришда фойдаланиш мумкин. Бу биринчидан, ўқувчиларни изланиш, ижод қилишга ундейди, чунки маълум бўлмоқдаки, деталлар қайси ҳолатда бўлмасин, улардан ҳар хил технологик операцияларни бажаришда фойдаланиш учун имконият топилади, иккинчидан, ўқувчиларга иқтисодий тарбия беришга ёрдам беради.

Технология таълимида хом-ашё ва намуналар қайси ҳолатда, шаклда ва қандай материалдан бўлмасин, улар ўқувчилар учун у ёки бу технологик операцияларни ўзлаштиришларида ўқув обекти бўла олади. Турли ўлчам ва шаклдаги тунука бўлаклари кавшарлаш операцияларнинг турли хилларни ўзлаштиришга олиб келади. Мазкур тунука барчалари хом ашё сифатида қўлланилади. Хом-ашё материаллардан ўқувчилар чилангарлик устахонасида кнопкалар ишлаб чиқарадиган асбоб тайёрлашлари мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай мосламани 8-10 мм ли симдан тайёрлаш мумкин.

Шундай қилиб хом-ашё турлари ва намуналар ўқувчилар учун техника-технология, материалшунослик, қирқиш назарияси, устахонада ўзлаштирилган чилангарлик, токарлик, фрезерлаш, пармалаш ва бошқа ўқув машғулотлари бўйича шаклланган билим, қўникмаларни малака даражага кўтариш учун замин яратилади.

Шу тарзда газламага ишлов бериш технология, пазандачилик, қишлоқ хўжалик ҳамда миллий ҳунармандчилик йўналишларида ҳам мавжуд хом-ашё ва намуналардан фойдаланиш ҳолатларини яратилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Технология таълими ўқитувчисининг лавозим вазифалари ва шахсий фазилатлари. Педагог-бу юқори маданият ва маънавиятли технология таълими юзасидан мутахассис. У ўз касбини ва фанини, тегишли соҳага оид фан ва техникини ҳамда ишлаб чиқариш технологиясини, умумий ва касбий педагогика ҳамда руҳшунослик, умумий таълим ва тарбия ишининг услубий асосларини замон талабалари даражасида билиши керак.

Ўқув жараёнида ўқитувчи раҳбарлик вазифасини бажаради. Бу умумий қоида технология таълими ўқитувчисига ҳам таълуклидир. Технология таълимида вақтнинг асосий қисмини ўқувчиларнинг мустақил амалий ишлари эгаллаши ўқитувчининг ролини янада оширади. Чунки ҳамма нарса ўқитувчи томонидан олдиндан пухта ўйланса ва яхши режалаштирилсагина ўқувчилар мустақил ишлай олишлари мумкин.

Технология таълими ўқитувчисининг лавозим вазифалари қўйидагилардан иборат:

- ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллигини, маҳорат ва малакасини ривожлантириш;
- танланган касб ва ихтисослиги ўқув фанлари бўйича чуқур билимларни, илмий дунёқарашни шакллантириш;
- таълим жараёнида ўқитишининг самарали усуллари, воситалари ва шаклларини, янги педагогик технологияларни кенг қўллаш;

- ўқитадиган фани бўйича дарсдан ташқари ишларни, тўгарак машғулотларни ташкил қилиш;
- ўқувчиларни билим сифати, ўзлаштириш даражаси ва давоматини назорат қилиш;
- ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш;
- ўқувчиларни фан олимпиадаларига тайёрлаш;
- ўқув хоналарини жаҳон стандартлари ва дизайн талаблари даражасида жиҳозлашда қатнашиш;
- илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва қўллаш;
- муентазам равишда малакасини ошириш.

Технология таълими ўқитувчиси бундан ташқари мутахассислиги бўйича ишлаб чиқариш технологияларини, иқтисод асослари, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш асосларини билиши керак.

Технология таълими ўқитувчисининг шахсий фазилатлари.

Технология таълими ўқитувчиси ўз фанининг илмий асослари мукаммал билиш билан бирга, мустаҳкам меҳнат ва касб кўнималари ва малакаларини эгаллаган бўлиши, уларни ўқувчиларга моҳирлик билан етказиб бера олиш керак. Шу муносабат билан ўз соҳасида яхши малака ортирган ва ишининг устаси бўлган кишигина ўқувчиларга ўз ишини эгаллашда ёрдам бера оладиган бўлиши лозим.

Шунинг учун технология таълими ўқитувчиси ўзининг методик, педагогика фани, техника ва ишлаб чиқариш соҳаларидағи энг янги ютуқлардан хабардор бўлиб қолмасдан, балки илғор меҳнат усулларини хам билиши зарур. Шу мақсадда технология таълими ўқитувчиси технология таълими ва тарбия масалалари, касбга йўллаш юзасидан чиқарилган психологияк, педагогик ва методик адабиёт янгиликларини, ўз ихтисоси бўйича хозиргги замон техникавий адабиётини, ишлаб чиқариш илфорлари, ихтирочиларнинг тажрибасини ўрганади, меҳнат машғулотларининг методик жиҳатдан тўғри тузилиши хақида ғамхўрлик қиласди.

Технология таълими ўқитувчиси юксак маҳорати ва маданияти, унинг иш жойини тўғри ташкил эта олиши, ишга оид усулларини тўғри кўрсата олиш буюм намунасини тайёрлай олиши, унинг нутқи, ўқув-тарбия жараёнининг энг мураккаб жараёнларида ўзини тута билиши, ўқувчиларга ва ўз хамкасабларига хушмуомала бўлиши-буларнинг ҳаммаси ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинади ва уларнинг ҳаммаси ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олинади ва уларнинг меҳнат тарбиясига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Технология таълими ўқитувчиси талабчан бўлиши керак. Лекин унинг юқори талабчанлиги ўз тарбияланувчиларининг инсоний қадр-қимматини чуқур ҳурмат қилиш билан ажralмасдир. Хатто, ўқитувчи бирор ножўя хатти-ҳаракатлари учун ўқувчига жазо берганда ҳам уни хақорат қилишга, масхара қилиб ерга уришга, лақаб қўйишга ва ҳокозоларга йўл қўймаслиги лозим. У гуруҳдаги ўқувчилар орасида ана шундай холат рўй беришига қатъий чек қўйиш керак. Шунинг учун ўз ишини яхши биладиган меҳнат ва технология таълими ўқитувчисининг методик-педагогик ва қасбий-мутахассислик маҳорати ўз ўқувчиларининг шахсга нисбатан бўлган ҳурмат эҳтиром билан, уларнинг ҳар бири тўғрисида меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиш билан уйғунлашиб кетади. Бу эса ўз навбатида унинг обрўсини оширадиган зарур шартдир.

Ўқитувчининг обрўси ўқув машғулотлари жараёнида ўсиб ва таркиб топиб боради. Машғулотлар вақтида унинг шахси, характеристики ва маҳоратиниг шундай сифатлари намоён бўладики, булар тарбияланувчиларнинг умумий тарзда эътироф этиши ва ҳурмат қилишга сазовор бўлади. Технология таълими ўқитувчиси ўзининг ўқувчилари олдидағи обрўси тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиши лозим. Агар ўқитувчи ўз вазифаларига юзаки қараса, унинг сўзлари билан ишлари бир-бирига мувофиқ келмаса, агар у ўқувчилар билан бўлган муносабатларида адолатли бўлмаса, унинг обрўси тезда йўқолиши мумкин.

Ўқувчиларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳаёт ва меҳнатга тайёрланишда технология таълими ўқитувчиси етакчи рол ўйнайди. У ўз машғулотларида ўқувчиларнинг турли қасбларга бўлган қизиқиши аниқлаш ва ривожлантирилиши лозим. Бунинг учун синф раҳбарини, шу синфда ишлайдиган бошқа фанларнинг ўқитувчиларнинг ва ота-оналарнинг жалб қилиши керак. Улар билан мунтазам учрашиб туриш ва сухбатлашиб бу гуруҳдаги ўқувчиларни яхшироқ билиш, уларнинг қизиқишилари ва индивидуал хусусиятлари билан танишиш имкониятини беради.

Технология таълими ўқитувчиси ўқувчиларга иш жойи ташкил этишда, топшириқларни бажаришда мустақилликни тарбиялаши, шахснинг ҳалоллик, камтарлик, қатъийлик, дадиллик, фаоллик, сабот-матонат хислатларини, ўртоқлик, дўстлик, масъулиятни сезиш ҳисларини таркиб топтириши керак.

Дарснинг, ўқувчиларнинг ўқув ишларини ташкил этишни ҳамма шаклларида таълим жараёни иштирокчилари орасидаги муносабатлар характеристи муҳим аҳамиятга эга бўлади. Яъни бунда талим жараёнининг иштирокчилари бўлган ўқитувчи ва ўқувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари орасидаги муносабатлар назарда тутилмоқда. Ушбу муносабатларнинг

ижобий характери ўқувчиларнинг англаш, билиш фаолиятини рағбатлантиради, унинг натижавийлигини оширади.

Ўқитувчи дарсларда ўқувчиларга бўлган талабчанликни болаларга ҳурмат, зийраклик, педагогик мавқе, обрўсими сақлаган ҳолда ёндошишни намоён этиш билан мувофиқлаштирган ҳолда олиб бориши лозим. Дарсда ўқувчиларга ўқитувчининг мурожаати шакли ҳам фарқсиз эмас. Ўқувчиларни ўз исм-шарифлари билан аташи мақсадга мувофиқроқдир.

Педагог сифатида ўзлигини намоён этишни талаб қилиш зарур ҳолатларда ўқитувчи томонидан ўз ҳиссиётини акс эттириш инкор этилмайди: у дарсларда фақатгина зийрак ва меҳрибон, қувнок, ҳушёр, кўнгилчан бўлибгина қолмасдан, балки жиддий, ҳафа ва норозилиги билинган қиёфада бўлиши ҳам керак.

Ўқитувчининг педагогик оптимизми, унинг ўқувчиларга муносабатидаги ишонч, ўқув фаолиятини ташкил этишнинг турли-туман шаклларида дарсда уларнинг ҳамжиҳатликдаги изланувчанлигини ташкил этиш, ўқувчиларнинг ишларига ҳакқоний баҳо бериш, уларга доимий зарур ёрдам кўрсатишга тайёр туришлик - буларнинг барчаси жуда катта дидактик ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлади, ўқувчиларда жамоавий меҳнат малакаларини ҳамда ижобий ахлоқий фазилатларни шакллантиради.

Назорат учун саволлар

1. Технология таълими ва касбга йўллашни режалаштиришнинг мақсади нимадан иборат?
2. Ўқув жараёнини режалаштиришда ўқитувчи қандай дидактик вазифаларни ҳал қиласди?
3. Технология таълими ва касб танлашга йўллашни режалаштирувчи хужжатларга нималар киради?
4. Ўқув режаси қандай хужжат?
5. Ўқув дастурида қандай маълумотлар акс эттирилади?
6. Тақвимий мавзули режа қандай маълумотлардан иборат?
7. Ўқув устахоналарида бажариладиган ишлар рўйхати қандай ишлаб чиқиласди?
8. Фанларнинг ўзаро боғланиш режаси нима учун керак?
9. Дарс режаси қандай хужжат?
10. Дарснинг баёни қай тарзда тузилади?

Адабиётлар:

1. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Технология таълими ўқитиши методикаси, касб танлашга йўллаш. Дарслик. –Тошкент: ТДПУ, 2014. 389 б.
2. Қўйсинов О.А. ва б. “Меҳнат таҳлими методикаси, касб танлашга йўллаш” фанидан лаборатория машғулотлари. Т.: ТДПУ, 2013. – 168 б.
3. Муслимов Н. ва бошқалар. Касб таҳлими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: «Фан» ва технологиялар», 2013. – 128 б.
4. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таҳлими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б

IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-амалий машғулот:

Технология таълимини ўқитиш методикаси фани ва унинг вазифалари.

Ишдан мақсад: Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида технология таълимига оид замонавий ёндашувларни таҳлил қилиш ҳамда Модуль тамойиллари, турлари, таркибий қисмларига оид кўнималарини ривожлантиришлар

Фикр: “Технология таълими ўқувчиларнинг меҳнат ва умуммехнат кўникмаларини шакллантириш, ҳамда уларнинг физиологик тўғри ривожланишида муҳим омил ҳисобланади”.

Топшириқ: Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

«Таълим-тарбия жараёнинг» кетма-кетлигини жойлаштиринг.

Ўзингизни текшириб кўринг!

Ҳаракатлар мазмуни	Якка баҳо	Якка хато	Тўғри жавоб	Гуруҳ баҳоси	Гуруҳ хатоси
Мақсад					
Мазмун					
Шакл					
Метод					
Восита					
Натижа					

Технология таълими фанларини ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ёндашувларни баён қилинг ҳамда педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва ҳал этиш стратегияларини келтиринг!

Педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг ўрганишнинг зарурияти ва ўзига хос жиҳатлари

Савол:

Сизнингча, замонавий шароитда технология таълими ўқитувчиши фаолиятида қандай муаммолар кўзга ташланмоқда? Ўз фаолиятингизда қандай муаммоларга дуч келмоқдасиз?

Технология таълими ўқитувчиси фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганишнинг асосий аспектлари:

1. Касбий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар самарадорлик, ишонч, фаолият сифати орасидаги сабаб-оқибат алоқадорликлари ва фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш билан тавсифланади.

2. Физиологик. Мазкур аспект ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий нерв фаолияти тизими ва сенсомотор ҳаракатлари орасидаги боғлиқликда кўриб чиқади.

3. Ижтимоий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар ўқитувчининг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши тақозо этади.

4. Тиббий. Мазкур аспект фаолиятдаги қийинчиликларни ўқитувчининг руҳий, жисмоний соғломлиги, турли касалликларни орттириши, уларни саломатликка таъсирини аниқлаб беради.

Технология таълими ўқитувчисининг касбий қўникумлари гурухлари қандай?



Назорат саволлари

1. Олий таълим ўқув режасининг асосий вазифалари?
2. Олий таълим ўқув режасининг мақсади нимадан иборат?
3. Давлат иқтисодиётини ривожланитиржа ўқув режанинг аҳамияти ва ўрни.
4. технология таълимига оид асосий меъёрий хужжатлар мазмунини тушунтиринг (ДТС Ўқув режа, Ўқув дастур).
5. Олий таълим тизимида давлат сиёсатининг асосий тамойиллари айтиб беринг.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий босқичларини таҳлил килинг.

7. Бакалавриат йўналиши ўқув режасининг таркибий қисмларини ўзвийлигини кўрсатинг.

Адабиётлар руйхати

1.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном протессе. М.: «Знание» 1980.80с.

2.Фарберман Б.Л. Прогрессивниие педагогическийе технологии Т.: ИНВССШ. 1999.-84с.

3.Муслимов Н., Шарипов Ш., Технология таълимими ўқитиши методикаси. Тошкент 2008й 430б.

4. Давлатов К., Воробёв А., Каримов И. Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.

5.Sharipov Sh. va b. Kasbiy pedagogika (metodik qo'llanma). -Т.:TDPU, 2006 у.

6. Nishonaliev U.N., Tolipov O'.Q., Sharipov Sh.S. Kasbiy ta'lim pedagogikasi. O'quv qo'llanma. –Т.: TDPU, 2007-388 б.

7. A.I.Avazboev, Y.U.Ismadiyarov. Kasbiy pedagogika (metodik qo'llanma). –Т.: Cho'lpon nomidagi nashiryot ijodiy uyi 2014. -332 б.

2-амалий машғулот:

Мавзу: Технология таълимига оид маҳсус фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситаларидан фойдаланиш. (2 соат)

Ишдан мақсад: Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида ўқув машғулотлар давомида Лойиҳавий таълим технологияларидан фойдаланиш кўнимкаларини ривожлантириш.

“Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот
Модератор		
Фасилитатор		
Супервайзер		

Тютер		
Фидбек		
Селфстади		
Силабус		

Технология таълимига оид ҳуқуқий, меъёрий ва режалаштириш ҳужжатларини тоифалаб беринг!

№	Таълимнинг ҳуқуқий ҳужжатлари	Таълимнинг норматив ҳужжатлари	Таълимнинг режалаштириш ҳужжатлари
1			
2			
...			

Технологиянинг таснифий белгилари сифатида нималарни аниқлаб олинди?:

Қўлланилиши даражаси ва тавсифи: локал даражада қўлланилиш тавсифига эга мезотехнология.

Фалсафий асоси: 1) антропологик; 2) онтологик; 3) диалогик.

Методологик ёндашуви: инсонпарвар, алгоритмли, амалий йўналтирилган, қадриятга йўналтирилган ёндашув.

Ривожланишнинг етакчи омиллари: 1) со- циоген; 2) психоген.

Тажрибани ўзлаштиришнинг илмий концепцияси: ассоциатив-рефлекторли + фаолиятли + ривожлантирувчи + бихевиористик.

Шахсни ривожлантириш соҳасига йўналганлиги ва тузилиши: БМО (билим, кўникма ва малака) + ЎзБМС (ўз-ўзини бошқариш механизми соҳаси) + ҲАС (ҳаракатли-амалий соҳа).

Мазмунли тавсифи: касбий йўналтирилган.

Ижтимоий-педагогик фаолият тури: таълимий (дидактик), тарбиявий, ривожлантирувчи

Қўлланиладиган методлари: 1) диалогли; 2) вазиятли; 3) бир-бирига тушунтириш; 4) бир-бирига ўргатиш; 3) ролли-ўйинли; 6) изланишли-тадқиқотчилик

Ташкилий шакллари: 1) индивидуал; 2) гурӯхли; 3) жуфтликларда ишлаш; 4) жамоавий.

Қўлланиладиган воситалари: 1) тарқатма материаллар; 2) хужжатли фильмлар; 3) бадиий адабиётлар; 4) мультимедиа.

Таълим олувчига ёндашув ва биргаликдаги ўзаро ҳаракат тавсифи: фаолиятга йўналтирилган.

Модернизацион йўналиши ва анъанавий таълим тизимга муносабати: биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолиятни кучайтириш асосидаги педагогик технология.

Қўлланилиш тоифаси: педагогика коллежи ўқувчилари учун.

Технологиянинг мазмуни ўзида мотивацион – когнитив-операцион – фаолият бирлиги ва ана шу босқичларни ҳар бирида ўзига хос тарзда намоён бўлувчи мустакил ишни амалга ошириш даражалари (танишув, тушуниш, анализ, ва син тез)ни акс эттиради

Назорат саволлари

1. Ўқитувчиларнинг бошқа касб эгаларидан ўзига хосликлари қандай?
2. Ўқитувчиларнинг педагогик-психологик тайёргарлигини таркиб топтириш парадигмаларини санаб беринг?
3. Олий таълим муассасаларида лойиҳавий таълимдан кенг фойдаланишнинг сабаби нима?
4. Лойиҳавий таълимнинг асослари қандай?
5. Ўқув лойиҳанинг ижтимоий- педагогик шартлари?
6. Ўқув лойиҳавий фаолият ва ўқув лойиҳасинг услубий паспортини изохланг?

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мардонов Ш.К. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
2. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
3. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
4. Хакимова Е. «Высшее образование несёт потери» // Мир новостей №7 (1105) от 18.02.2015 г.
5. Акрамова Ш. Олий таълим соҳасидаги глобал тенденциялар: Ўзбекистон учун имкониятлар. // “Biznes-Эксперт” илмий-амалий журнал, 2014 йил № 12 сон Б. 56.
6. Хакимова Е. «Высшее образование несёт потери» // Мир новостей №7 (1105) от 18.02.2015 г.
7. R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic

8.Albert Bandura, Richard Walters. Teenage aggression. Studying of influence of education and family relations. Publishing house: Eksmo-Press, April-Press ISBN: 5-04-004214-0 Year of the edition:-2000

З-амалий машғулот:

Мавзу: Олий таълим муассасаларида технология таълими фанларини ўқитишини инновацион технологиялар асосида лойиҳалаштириш.

Ишдан мақсад: Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида технология таълимига оид фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда таълим шакллари, воситаларининг роли ва улардан фойдаланиш методикасига оид маълумотларни тизимлаштириш ва мавжуд кўникмаларни ривожлантириш .

Мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



Намуна: Технология таълимининг SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

S	Технология таълимининг кучли томонлари	
W	Технология таълимининг кучсиз томонлари	
O	Технология таълимининг имкониятлари (ички)	
T	Тўсиқлар (ташки)	

Ўқитувчининг қасбий фаолияти билан боғлиқмуаммоларни юзага келтирувчи объектив шарт-шароитларга қуидагилар киради:

- 1) ўқитувчи меҳнатини ташкил этишда методик таъминотнинг етарли бўлмаслиги;
- 2) ўқитувчи фаолиятини баҳолашдаги формализм (юзакилик);
- 3) ўқитувчининг иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши.

Савол:

Технология таълими ўқитувчисининг ўзига хосликлари билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликларга нималарни киритиш мумкин?

Педагог фаолиятида юзага келаётган муаммолар билан боғлик вазиятларни таҳлил қилинг!

1-вазият

Сиз дарс машғулотини бошладингиз. Талабалар тинчликни сақлаган ҳолда Сизни тингляяпти. Тўсатдан кимdir овоз чиқариб қулиб юборди. Сиз ҳеч нарса дейишга улгурмай, кулган ўқувчига қараганингизда, у: «Сизга қарасам доим кулгим келаверади», - деди.

Сиз бу вазиятдан қандай чиқиб кетган бўлар эдингиз? Қуйидаги варианtlардан ўзингизга маъқул бўлган жавобни белгиланг:

- 1) «Ана холос»;
- 2) «Сенга нима кулгили туюлади?»;
- 3) «Ундей бўлса, bemalol кулаверинг»;
- 4) «Сиз ахмоқмисиз?»;
- 5) «Мен қувноқ инсонларни ёқтираман»;
- 6) «Кайфиятингизнинг яхшилигидан хурсандман»;
- 7)

Юқорида келтирилган вазиятга аниқлик киритинг. Аниқ вазиятда акс этган асосий муаммо ва кичик муаммоларга ойдинлик киритинг.

2-вазият

Ўқув устахоналарида амалий машғулотларни бажаришда уларнинг мустақиллик хусусиятлари қайси жараёнда яққолроқ намаён бўлади:

- a) усул ва жараёнларни ўқитувчи кўрсатиб берган намуна бўйича бажариш;
- b) усул ва жараёнларни инструкцион карталар кўрсатмаларига мувофиқ бажариш;
- c) ишларни тайёр инструкцион технологик карта бўйича бажариш;
- d) мукаммал инструкция бўйича тренажёрда машқлар бажариш;
- e) ўқитувчининг кўрсатмаларига биноан иш жараёнини ва натижаларини назорат қилиш.

Мазкур вазиятни аниқлик киритинг. Ўқитувчи мазкур вазиятда қандай йўл тутиши лозим. Аникроқ қилиб айтганда, ўқитувчи қатъий равишда ўз нуқтаи назарини сақлаб қолиши керакми, ёки толерант ёндашув асосида уларга сўраган баҳосини қўйиб бериши лозимми?

3-вазият.

Таққосланувчи ўқув мақсад (вазифа)ларини аниқлашда энг муҳими ҳолат ... саналади:

- a) натижаларни талабаларнинг хатти-ҳаракатлари асосида ифодалаш;
- b) ўқув мавзуларини қатъий танланиши;
- c) педагог фаолиятини аниқ режалаштириш;
- d) дарс ўтиш методларини таърифлаш;
- e) дарс шаклларини таърифлаш.

Назорат саволлари

1. Технология таълим мининг асосий вазифалари?
2. Технология таълим мининг мақсади нимадан иборат?
3. Педагогик фаолиятда қандай касбий муаммолар юзага келади?
4. Педагогик фаолиятда касбий муаммоларни хал этиш стратегияларини изохланг.
5. Ўқув материалларини қандай тизимлаштирилади?.
6. Ўқув материалларини тизимлаштиришнинг дидактик параметрларини изохланг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

2.Ишмуҳамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.

3.Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б

4.Нишоналиев У.Н., Толипов Ў.Қ., Шарипов Ш.С.. Касбий таълим педагогикаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДПУ, 2007.

5.R.P. Pathak. Methodology of Educational Research. USA-2008 Atlantic
6.Jan Kielven THE ARTFUL SCIENCE OF INSTRUCTIONAL INTEGRATION.
Adapted from: BEYOND MONET. Barrie Bennett / Carol Rolheiser. 2001 p 14-15


4 – амалий машғулот:

Технология таълимида АКТдан фойдаланиш методикаси (реал объектлар, мультимедиа, электрон дарслик ва бошқ). Таълим жараёнига метод, восита ва шаклларни жорий этиш. (4 соат).

Ишдан мақсад: Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида интернет тармоғидан ахборотларни излаш, таҳлил қилиш асосида уларда креатив қобилиятни шакллантиришга оид қўникмаларини ривожлантириш.

Технология таълимида интернет технологияларидан фойдаланиш

1. Технология таълими ўқитувчиларни тайёрлашда янгиланган ДТС асосида мутахассислар тайёрланмоқда. Малака ошириш жараёнида замонавий таълим технологиялари асосида машғулотлар ташкил этилмоқда.



Opera - google - Поиск в Google

https://www.google.com/search?client=opera&q=google&sourceid=opera&ie=utf-8&oe=utf-8&channel=suggest

Результатов: примерно 2 750 000 000 (0,18 сек.)

Совет. По этому запросу вы можете [найти сайты на русском языке](#). Указать предпочтительные языки для результатов поиска можно в разделе [Настройки](#).

Google
www.google.ru/ ▾
Поиск информации в интернете: веб страницы, картинки, видео и многое другое.

Google Maps
maps.google.com/ ▾ [Перевести эту страницу](#)
Find local businesses, view maps and get driving directions in Google Maps.

Google
www.google.com.ua/ ▾ [Перевести эту страницу](#)
Пошукова система українською мовою. Пошук сторінок зі світу чи з України.

Новости по запросу google
Google делает работу - СМИ
Украинское национальное информагентство - 53 мин. назад
Корпорация Google приступила к найму разработчиков для создания своего собственного робота. О том, какой именно робот ...
Bing Maps Preview — симметричный ответ Google Earth
3DNews - 2 ч. назад
Подсчитана примерная стоимость комплектации смартфона Google Moto ...
Overclockers.ru - 17 ч. назад

Google Earth
earth.google.com/ ▾ [Перевести эту страницу](#)
Google Earth lets you fly anywhere on Earth to view satellite imagery, maps, terrain, 3D buildings, from galaxies in outer space to the canyons of the ocean.

Google
www.google.com/ ▾ [Перевести эту страницу](#)

Google Inc. — американская транснациональная публичная корпорация, инвестирующая в интернет-поиск, облачные вычисления и рекламные технологии.

Курс акций: GOOG (NASDAQ) 1 069,87 \$ +12,53 (+1,19 %)
6 дн., 16:00 GMT-5. Отзыв от обязательства

Дата основания: 4 сентября 1998 г.
Штаб-квартира: Маунтин-Бью, Калифорния, Соединенные Штаты Америки

Генеральный директор: Ларри Пейдж
Основатели: Ларри Пейдж, Сергей Михайлович Брин

Похожие запросы

Yahoo! Apple eBay Skype AOL

Отзыв/Подробнее

Opera - youtube - Поиск в Google

http://www.google.ru/thewindow=1&d=youtube

Результатов: примерно 2 120 000 000 (0,16 сек.)

YouTube
www.youtube.com/?hl=ru&gl=RU ▾
Отправьте видео друзьям, близким и всему миру.

YouTube
Youtube Upload - Music - Movies - ... [Education](#)
Whether you're doing research for a project, need help with ...

[Другие результаты с сайта youtube.com »](#)

Новости по запросу youtube
 Канал ELO на YouTube лишился контента из-за жалобы правообладателей
Lenta.ru - 2 дн. назад
[РИА Новости запустило круглосуточный канал на YouTube](#)
Lenta.ru - 6 дн. назад

YouTube (YouTube) on Twitter
https://twitter.com/YouTube ▾ [Перевести эту страницу](#)
The latest from YouTube (@YouTube). Tweets on news, music and trends from all your favorite channels. San Bruno, CA.

YouTube - Приложения на Google Play
https://play.google.com/store/apps/details?id=com.google.youtube ▾
YouTube как стиль жизни. Загрузите официальное приложение YouTube для Android. Станьте диджейем, изучите кунг-фу и поделитесь контентом с ...

YouTube — Википедия

Opera youtube - Поиск в Google youtube - Покажи в Google vocational education - Y... + Веб www.youtube.com/results

YouTube.ru

vocational education

Фильтры Результатов: 109 000

Популярные на YouTube... Музыка Спорт Компьютерные игры

КАНАЛЫ ДЛЯ ВАС nigahtiga MagicRahat MysteryGuitarMan tvnorge danialonfire

Каталог каналов

Войдите сейчас, чтобы увидеть свои каналы и рекомендации! Войти

Vocational Education ipariparkatabanya • 2 года назад • 1 747 просмотров

Finding Your Life's Work - 1940 Vocational / Educational Film Ella's Archives • Год назад • 1 218 просмотров
Vocational guidance film targeted towards teenagers. The film was made at a time when America was starting to rebuild its HD 19:16

Vocational Education and Training in Switzerland ELEMENT P – die Filmagentur • Год назад • 351 просмотр
HD 9:22

Governor Discusses Value of Vocational Education Arnold Schwarzenegger • 5 лет назад • 2 273 просмотра
Governor Schwarzenegger discusses the value of vocational education from the Jack L. Schuetz Career Center in Bakersfield, ... 3:10

Is Britain's vocational education too narrow for its own good? Westminster Business School • 8 месяцев назад • 94 просмотра
Professor Linda Clarke discusses why Britain's vocational education and training must improve. Speaker: Linda Clarke, Professor ... HD 2:54

Vocational Education Needs Expansion TheStreet • Год назад • 253 просмотра
Vocational Education Needs Expansion 16:00

http://www.youtube.com/watch?v=haejcAp-9po

Пуск Веб Меню настройки языка EN

Opera youtube - Поиск в Google youtube - Покажи в Google Vocational Education - Y... + Веб www.youtube.com/watch

YouTube.ru

vocational education

Гайд

Vocational Education ipariparkatabanya • 15 видео 1 764
Подписаться 1 Нравится О видео Поделиться Добавить в Показать все Пока комментариев нет

Загружено 03 Май 2011 г.
Описание отсутствует.

Inspire Education Vocational Education and Training Introduction Information On Inspire Education - Courses & Training 328 просмотров 16:00

Technical and Vocational Education and Training - Issues and Challenges in Of UNESCO Dakar 434 просмотра 15:03

iEducate - The Future of Vocational Education & Training Conference On TheLearningStudios 316 просмотров 9:46

OCVTS Ocean County NJ Vocational School Promo Video 2008 Toms River Of greenrossetv 941 просмотра 10:00

VET - Vocational Education & Training Video Part 1 Of SCHEFFILM 3 180 просмотров 9:26

Arizona Vocational Training Institute, LLC Of AZVocationalTraining 5 171 просмотров 10:26

The Machinist and Tool Maker - 1942 Vocational / Educational Film Of Ella's Archives 32 081 просмотр 10:37

OHS Автор: spremnost 7 видео 10:00

How to Handle Misbehaving Students: "Maintaining Classroom Discipline" 1947 Of Jeff Quiltney 32 725 просмотров 13:45

Пуск Веб Меню настройки языка EN

Адабиётлар руихати

- 1.Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном протсессе. М.: «Знаний» 1980.80с.
- 2.Фарберман Б.Л. Прогрессивниие педагогическийе технологии Т.: ИНВССШ. 1999.-84с.
- 3.Муслимов Н., Шарипов Ш., Технология таълимини ўқитиш методикаси. Тошкент 2008й 430б.
4. Давлатов К., Воробёв А., Каримов И. Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.
- 5.Sharipov Sh. va b. Kasbiy pedagogika (metodik qo'llanma). -T.:TDPU, 2006 у.
6. Nishonaliev U.N., Tolipov O'.Q., Sharipov Sh.S. Kasbiy ta'lim pedagogikasi. O'quv qo'llanma. –Т.: TDPU, 2007-388 b.
7. A.I.Avazboev, Y.U.Ismadiyarov. Kasbiy pedagogika (metodik qo'llanma). –Т.: Cho'lpon nomidagi nashiryot ijodiy uyi 2014. -332 b.

5-амалий машғулот:

Технология таълимини ташхис қилиш, коррекциялаш ва башоратлаш методикаси.

Ишдан мақсад: Қайта тайёрлаш ва малака ошириш тингловчиларида технология таълимини ташхис қилиш, коррекциялаш ва башоратлаш методикасига оид кўнималарини ривожлантириш.

Вазифа: Технология таълими ўқитувчининг касбий фаолиятидаги функцияларини берилган, унинг мазмунни изохланг!

1. Гностик -
2. Лойиҳалаш –
3. Конструкциялаш –
4. Диагностик –
5. Прогностик –
6. Коммуникатив –
7. Ишлаб чиқариш-технологик –
8. Ташкилотчилик –

Касбий-педагогик фаолиятда назорат қилиш ва баҳолашга оид юзага келаётган муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари

Савол:

Баҳонинг объективлиги, айрим ўқувчилар меҳнати натижаларини таққослаш имконини берувчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари (буюмнинг аниқлиги, буюмлар миқдори ва ҳоказолар)га асосланади. Баҳонинг ягона талаблар асосида қўйилиши ҳам унинг объективлигидир. Ана шу талаблар мазмунини баён қилинг?

1. Ишланиш аниқлиги. Аниқлик – ҳар қандай маҳсулотни, шу жумладан, тикувчилик саноати маҳсулотларини тайёрлашга қўйиладиган талабдир.

2. Вакт меъёри. Меъёрлаш хусусида меҳнат топшириғини бажаришни вақт бўйича чегаралаш ўқувчилар меҳнат операцияларини бажариш усулларини эгаллаб олганларидан кейин амалга оширилиши керак. Бунда ўқувчилар бир йўла ҳам ишнинг сифатли бажарилишини кузатишни, ҳам уни маълум муддатда бажаришга интилишни уddyalай олмаслиги ва таълимнинг биринчи босқичида вақт меъёри киритилса, миқдор кўрсаткичлари сифат ҳисобига ортишидан келиб чиқади.


3. Ўқувчиларнинг билимлари. Ўқувчиларнинг амалий ишлари уларнинг билимларига асосланиб ташкил қилинади. Шу сабабли уларнинг фаолиятини баҳолашда ўқувчилар дастур материалини қандай ҳамда ва қанчалик чуқур ўзлаштирганини ҳисобга олиш керак.

4. Меҳнат усулларини тўғри бажарииш. Ўқувчилар асбобни ушлаш, иш ҳолатида туриш, асбобнинг ишлов берилаётган сиртга нисбатан қандай ҳолатга тутиш ҳақидаги кўрсатмаларни қатъий бажаришлари керак. Меҳнат усулларини тўғри бажариш кўнікмалари ўқитувчи томонидан баҳоланади.


5. Иш ўрнини тўғри ташкил қилиши. Ишлаб чиқаришда иш ўрнини тўғри ташкил меҳнат унумдорлигини оширади. Ўқувчилар меҳнат маданиятининг савияси кўпроқ ўз иш ўрнини тўғри ташкил қила олишига боғлиқдир.

6. Меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши. Агар ишнинг хавфсизлигини таъминловчи қоидалар бузилса, жароҳатланиш хавфи туғилади. Жихозлар ва асбобларни ишлатишдаги меҳнат усуллари ва ҳоказоларни бажаришдаги хавфсизлик қоидаларини бузган ўқувчиларнинг баҳосини пасайтириш керак.

Топшириқ! Назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий компонентлари мос ўринларга жойлаштиринг?



Ўқитувчининг ечими!
Назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий компонентлари



V. КЕЙСЛАР БАНКИ

“Кейс-стади” технологияси (инглиз тилида “case” – тўплам, чемодан (чамадон), “study” – муаммоли вазият) – вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш демакдир. Ушбу технология талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди.

У талабаларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади

1. Кейс: Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси. Замонавий дирижёрлик санъати мактаблари.

Ишдан мақсад – Таълим тизимида мусиқий йўналишида асарлар яратган ва яратгаётган Ўзбекистон композиторлари ижодида шакл ва услуб муаммоси; замонавий дирижёрлик санъати мактаблари; композитор ва фольклор; Европа мамлакатларида дирижёрлар тайёрлаш тизими; Шарқ ва Фарб мусиқасининг интеграцияси; Россия ва Америкада профессионал дирижёрлар тайёрлаш тизими ва уларнинг мазмунини ўргатиш борасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш қўникмаларига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гуруҳга бўлади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлиш вақтини эълон қиласди.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди.

Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириққа масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гурух иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.
- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

Индивидуал ўқиши – 2 минут.

2. Мухокама қилиши – 3 минут.

3. Презентация (такдимот) варағини тайёрлаш – 5 минут.

4. Презентация (такдимот) қилиши – 5 минут.

5. Гуруҳлар бошқа гуруҳларни презентация (такдимот)лари вақтида уларни баҳолаш.

6. Баҳолаш натижаларини раҳбарга айтиш.

1-илова

Биринчи гурух учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
“Замонавий мусиқа” атамаси нимани англатади?		
Ўзбекистонда мусиқий авангардизм ривожланиш босқичлари ҳақида гапириб беринг.		

Дирижёрлик санъати мактаблари ҳақида нимани биласиз?		
--	--	--

Иккинчи гурух учун вазифа.

Саволлар	Тушунча ва шарҳ	Изоҳ
Композитор ва фольклорнинг ўзаро боғлиқ томонлари нимада?		
Замонавий мусика яратган ўзбек композиторлари ҳақида сўзлаб беринг.		
Дирижёрнинг вазифаси нималардан иборат?		

2-илова

Гурухни баҳолаш жадвали.

Гурух-лар	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги	Ахборотнинг ишончлилиги	Гурух аъзосининг фаоллиги	Умумий баллар	Баҳо
1-гурух					
2-гурух					

1. Кейс: Замонавий хонандалик мактаблари.

Ишдан мақсад – Таълим тизимида хорижий давлатларда вокал мактаблар; вокал ижрочилик санъатида артистик маҳорат ва сахна маданиятини ўргатиш борасида илгор маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш. Тингланган аудио ёки тинглаб томоша қилинган видео лавҳа юзасидан асосли фикр-мулоҳаза юритиш қўнималарига эга бўлиш.

Масаланинг қўйилиши: Тингловчилар кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда уларга ҳар бир вазифа бўйича берилган саволларга жавоб тайёрлаб, асосли шарҳлаб беришлари талаб этилади.

Ишни бажариш учун намуна

Ўқитувчи тингловчиларни 2- (3 ёки 4) гурухга бўлади. Мавзуу бўйича тайёрланган топшириқларни тарқатади. Ўқув натижалари нима беришини

аниклаштиради, эришиладиган натижанинг ютуқ ва камчиликларининг моҳиятини айтади. Қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради. (дарслик, маъруза матни, интернет материаллари). Гуруҳларда иш бошлаш вақтини эълон қиласди.

Гуруҳлардаги ҳамкорлик ишларининг тақдимотини ташкиллаштиради ва бошқаради. Тақдимот муддати 20 минутдан ошмаслигини эълон қиласди.

Ўқитувчи ҳар бир саволга якун ясайди.

Машғулотни баҳолаш. Воқеликларнинг кетма-кетлиги, топшириқларни асослаб бериш, шунингдек тингловчилар билим савиясини шакллантиришга, тушунчаларидан тўғри хulosалар чиқаришига эътибор қаратади.

Мавзу бўйича якунловчи хulosалар қиласди. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолиятини таҳлил қиласди ва баҳолайди.

Гурухда ишлаш қоидалари

Ҳар ким ўз ўртоқларини тинглаши, ҳурмат билдириши керак.

Ҳар ким актив, биргаликда, берилган топшириқقا масъулият билан қараган ҳолда ишлаши керак.

Ҳар ким зарур бўлган ҳолда ёрдам сўраши лозим.

Ҳар ким ундан ёрдам сўралганда албатта ёрдам бериши керак.

Ҳар ким гуруҳ иши натижасини баҳолашда иштирок этиши шарт.

Ҳар ким аниқ тушуниши керакки:

- бошқаларга ўргатиб ўзимиз ўрганамиз.

- кемага тушганинг жони бир: ё бирга қутиламиз ёки бирга чўкамиз.

Топшириқни бажариш кетма-кетлиги ва регламенти.

1. Индивидуал ўқиши-2 минут.
2. Муҳокама қилиш –3 минут.
3. Презентация (тақдимот) варагини тайёрлаш- 5 минут.
4. Презентация (тақдимот) қилиш –5 минут.
